ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

6 сентябрь, шанба 1997 йил №104 (454)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

«Осиё» карвонсарой бозори ишга тушди

Жиззах товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Буюк Ипак йўли қуналғаси бўлмиш Ейилма даштида улгуржи савдо бозорини қуриш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳокимлик бу ташаббусни маъқуллади ва ушбу бозор вилоятда пул эмиссиясини камайтиришга, вилоят бюджетини бойитишга ҳисса қўшади, деб баҳолади. Натижада олти ойлик бетиним бунёдкорлик ишлари туфайли «Осиё» карвонсаройи бозорининг биринчи навбати Мустақиллик байрами тантаналари куни ишга тушди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда юбилей иншоотида бажарилган ишларга уч юз миллион сўм маблағ сарфланган. Келажакда бу ерда улгуржи савдо қиладиган энг катта ҳудуд барпо этилади. Уни чет эллик тадбиркорлар ўз маблағлари ҳисобига қуришади. Ҳудудда халқаро тоифага кирувчи бош автобекат, хорижий мижозлар учун меҳмонхона, маҳсулотлар учун омборхоналар қурилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни қуролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуролли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1970—1979 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1997 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1997 йил 5 сентябрь.

Сессиядан сўнгги ўйлар

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Маълумки, яқиндагина Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Мазкур сессияда жамиятимиз учун аҳамиятли бўлган бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Айниқса, биз таълим тизимидаги ходимлар учун ушбу сессия қувончли воқеа бўлиб қолди. Чунки унда Республикамиз Президенти Ислом Каримов кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва таълим тизимида бўладиган ислоҳот тўғрисида сўзлаган нутқи дилимиздан чуқур жой олди. Парламент кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини тасдиқлади. «Таълим ҳақида»ги Қонунни қабул қилди. Вазирлар Маҳкамасига уларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этишни топширди.

Президентимиз И.Каримов ўз нутқида: «Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини узгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб, талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни таъминлашимиз лозим» деди. Бу фикр юз фоиз ҳаётийдир. Ҳаётийлиги шундаки, мактабларимизда ишлаётган кўпгина ўқитувчиларимиз дарс жараёнларини бир қолипда олиб боришга одатланиб қолишган. Улар ўз устиларида ишламайдилар, изланмайдилар. Замонавий билим бериш учун мутлақо савиялари етишмайди. Буни тан олмасликнинг иложи йўқ.

Мен раҳбарлик қилаётган мактабда қишлоқ меҳнаткашларининг 1000 дан ортиқ ўғил-қизи таълим-тарбия олмоқда. Ёшларга 100 дан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар фан сирларини пухта ўргатишмоқда. Биз сессия материалларини жамоамиз ўртасида ўқиб-ўрганиб чиқдик. Очиғини айтганда сессия материаллари билан танишар эканмиз, ҳали таълим тизимида катта ишларни амалга ошириш кераклигига тўла ишондик. Қилаётган ишларимизга танқидий нуқтаи назаридан қараб, келгуси фаолиятимиз учун аниқ тадбирлар белгилаб олдик.

Биз таълим-тарбияни амалиёт, яъни ишлаб чиқариш билан олиб боришни анъанага айлантирганмиз. Чунки, ёшлар мактабда олган назарий билимларини ҳаётда қўллаб кўрсалар бу албатта, фойда беради. Чунки, бирор касб-ҳунарга қизиқиши ортади. Айниқса, қишлоқ мактабларида таълим-тарбияни шу зайлда ташкил этиш ниҳоятда зарурдир. Мустақил мамлакатимиз ёшларига кўпроқ замонавий билим беришимиз керак. Улар келажагимиз, хайрли ишларимиз давомчиларидир. Ватанимиз бугунги кунда жаҳонга юз тутмоқда. Ана шундай юрт ёшлари замонавий билимлар билан қуролланган булиши шарт. Бу давр талабидир.

Сессияда кадрлар тарбияси ва таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш юзасидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилинганлиги қутлуғ иш бўлди. Мактабимиз ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси бундан кейин ушбу сессия қарор ва курсатмаларини бажаришни биринчи галдаги вазифа деб билади. Чунки, унда дилимиздаги гаплар баён этилган.

Суннат САМАРИДДИНОВ,
Қарши туманидаги Худойберди Нарзиев номли ўрта мактаб директори

Қарор ва ижро

ПУХТА ТАРАДДУД

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг бажарилишини таъминлаш борасида Жиззах вилоятида қандай ишлар амалга ошириляпти? Вилоятда пахтачиликдаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Биз ушбу саволларга жавоб излаб вилоят пахта далаларини айландик.

Жорий йилда 111 минг гектар майдонга барака уруғи қадаган вилоят пахтакорлари мавжуд майдонлардан белгиланган миқдордаги ҳосилни йиғиштириб олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу йил йиғим-терим ишларида 1926 та терим, 276 та кўсак терадиган, 272 та кўсак чувийдиган техника воситалари иштирок этади. Бугунги кунга келиб терим агрегатларининг 1200 таси мавсумга ҳозирлаб қўйилган. Пахта ташийдиган 3308 та тиркамадан 2750 таси старт чизиғига келтирилган. Айни кунларда қолган техника воситаларини таъмирлаш ишлари жадал бормоқда.

— Биз пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини барвақт бошлаб юборганмиз, — дейди Зарбдор тумани ҳокими Тоштемир Исмоилов. — Ҳукуматимиз қароридан сўнг ер ишларни янада жадаллаштириб юбордик. Айниқса, техника воситаларини таъмирлашга эътибор-ни кучайтираяпмиз. Ҳозиргача 276 та пахта териш агрегатларининг 70 фоизини тўла таъмирлаб мавсумга шай қилиб қўйдик.

Қолганларини қисқа вақт ичида таъмирдан чиқарамиз.

Дарҳақиқат, биз тумандаги «Шарқ юлдузи» ижара ширкатлар бирлашмасининг марказий устахонасида бўлганимизда ҳокимнинг айтган сўзларига тўла ишонч ҳосил қилдик. Бу йил 3170 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган бу хўжаликда ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида йиғиштириб олинади. Шунинг учун ҳам мавжуд 52 та терим агрегати мавсумга барвақт шай қилиб қўйилган.

— Ҳукуматимизнинг 1997 йилги пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш тўғрисидаги қарори хўжалигимиз деҳқонлари, механизаторлари томонидан ўқиб, ўрганилди. Айниқса, ундаги ҳар килограмм қўлда терилган пахта учун 3 сум 50 тийиндан, машинада терилган 1-тонна пахта учун 90 сўмдан ҳақ тўлаш тўғрисидаги кўрсатмалар барчамизга маъқул бўлди, — дейди «Шарқ юлдузи» ижара ширкатлар бирлашмаси раиси Урозбой Эркаев.

Дўстлик тумани вилоятнинг энг кўп пахта етиштирадиган туманидир. Бу йилги мавсумда туман далаларида 351 та пахта териш агрегатлари ишлай бошлади. Туманда мавжуд техника воситаларини мавсумга ҳозирлаш ишлари қизғин бормоқда. Тумандаги «Оқ олтин» ижара ширкатлар бирлашмасида бўлганимизда бунга амин бўлдик. Бу ерда мавжуд 50 та пахта териш, 22 та транспорт трактори, 78 та тиркаманинг асосий қисми мавсумга ҳозирлаб қўйилган.

Ҳўжалигимиз пахтакорлари бу йил 3500 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда, — дейди ширкатлар бирлашмаси раиси Маматқул Исаев. — Барча майдонлардаги ғўзаларнинг ҳолати яхши. Биз экин етилиши билан дефолиацияни бошлаймиз. Айни пайтда пахта йиғим-теримига боғлиқ ишлар — техникани таъмирлаш, дала шийпонларини тартибга келтириш, хирмон жойларини ташкил этиш, тош-тарозиларни ғамлаб қўриқдан ўтказиш каби муҳим ишлар билан машғулмиз.

Катта Ўзбек трактидан Зомин туманига бурилиб 2 километрча юргач, йўлнинг ўнг томонида очиқ майдонда етган техникалар уюмига дуч келдик. 6 та пахта териш машиналарининг бункерлари, 3 та «Олтой» трактори, қисмларга бўлиштириб ташланган техникалар уюмларидан иборат бу маскан — Зомин туманидаги 20-ҳўжалик ҳисобидаги участкага қарашли техникалар гаражи экан. Бундай эгасизлик ҳақида участка бош муҳандиси Абдурашид Эшназаров шундай дейди:

— Ёпиқ майдон қуриш учун маблағ йўқ. Ҳисобимизда 2 та пахта териш машинаси, 2 та трактор, 10 та тиркама бор. 472 гектар майдондаги ҳосилнинг 20 фоизини техника ёрдамида йиғиштириб оламиз. Қолгани қўл кучи билан йиғиштирилади. Техникаларнинг сочилиб, қисмларга бўлиб ташланганлигига келсак, улардан у ёқ-бу ёқдан топиб олиб келинган 2—3 та «Олтой»ни йиғиб чиқмоқчимиз...

Кузатувлар шуни кўрсатадики, вилоятнинг ҳамма туманларида ҳам пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Баъзи туманларда терим машиналарини таъмирлаш ишларида сусткашлик қилинаётган бўлса, баъзиларида қўсак терадиган, чувийдиган агрегатларни таъмирлаш ишлари пайсалга солинмоқда...

Бир сўз билан айтганда, Жиззах вилояти пахтакорлари бу йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

Йўлчи ЖЎРАЕВ,
УзА мухбири.
Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Президент Кубоги

Ҳар йили анъанага кўра «Юнусобод» теннис мажмуида ўтказиладиган олий даражадаги спорт мусобақаларидан бири Президентимиз кубоги учун беллашувлардир. 8 сентябрь куни старт олиб, 4 кун давом этадиган ушбу халқаро турнирга бу йил Швейцария, Германия, Чехия, АҚШ, Руминия, Словакия, Дания каби мамлакатлардан кучли спортчилар ташриф буюришади. 50 минг АҚШ доллари ҳисобида мукофот жамғармаси ажратилгани мазкур мусобақалар жаҳонда «А»туркумига кирувчи турнир мақомини олиб, нуфузи яна ошди.

Энди иштирокчилар рўйхатига назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳам шу турнирнинг юқори спорт савиясида ўтажагидан далолат беради. Турнирнинг биринчи ракеткаси- россиялик Евгений Кафельников. У профессионал теннисчилар таснифининг учинчи ўрнидан жой олган. Яна бир теннисчи - испаниялик Алекс Корречанинг ПТА даги мавқеи еттинчи ўринга тўғри келади. Худди шунингдек, жаҳоннинг кучли юзлигига кирган ун нафар теннисчи ҳам ташриф буюрган. Булар - германиялик Тим Хенман, швейцариялик Мар Россет, чехиялик Богдан Улихрач, испаниялик Жавиер Санчес, марокашлик Хичам Арази, руминиялик Андрей Павел,даниялик Кеннес Карлсен,словакиялик Жан Кролак ва бошқалар.

Теннис кортларида саралаш босқичларисиз тўғридан-тўғри финалда ўйнаш ҳуқуқига эга бўлганлар умуман 26 нафар бўлиб, теннис таснифидаги энг қуйи- 237 ўриндаги теннисчи француз Серри Чампиондир. Юртдошимиз Олег Огородов ҳам ўйинни асосий босқичдан бошлайди. У ПТА рўйхатининг 120- погонасидан жой олган.

Яна бир янгилик: турнир давомида махсус лотерея ўйналади. Томошабинлар чипта билан қўшиб берилаётган лотерейни тулдириб, ўз омадларини синаб кўришлари мумкин.



Азамат Бердиқулов олти йилдан бери Ғаллаорол консерва корхонасида меҳнат қилади. Корхонада мева-сабзавотни қайта ишлашда унинг хизмати катта бўлмоқда

Янги асрнинг янги асари

Яқинда «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари юзасидан кенгайтирилган илмий кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда бирлашма бош директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Жаббор Рўзиев бу ноёб асарнинг мамлакатимиз кенг жамоатчилиги томонидан қизиқиб ўрганилаётганининг боиси китобнинг халқаро аҳамияти ҳақида ҳамда мамлакатимиз ҳар бир жамоа ва фуқаролик вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Маърузада асарнинг ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ҳақида сўз кетар экан, дунёнинг тинчлигига, осойишталигига таҳдид қилувчи манбаалар ва муаммолар, уни ечиш йўллари ва XXI-аср бошида вужудга келиши мумкин бўлган вазият, уни бартараф этиш, мамлакатимизни ижтимоий — иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожлантириш йўллари кафолатлари башоратомуз белгилаб берилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ўзавтотранс» корпорацияси бошқаруви раисининг биринчи муовини Қ.Сиддиқназаров ва бошқалар асарнинг бир неча хорижий мамлакатларда таништирилуви бу асарнинг бошқа мамлакатларнинг сиёсий доираларини ҳам қизиқтирганлигини ва чет тилларга ҳам таржима қилиниб дунё оммаси эътиборига тушаётганлигини мамнунлик билан қайд этдилар.

Бахтиёр Абдусатторов

«Инсон манфаатлари - олий мақсад» танловига

ДАДИЛ ОДИМЛАР

3.КАДРЛАР ЎЗ ЖОЙИДА БЎЛГАНДА...

- Помидор ҳосилдорлиги бир йилда қарийб икки бараварга ошибди!

Тумандаги Муқимий номли жамоа хўжалиги сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича режани бу йил 20 июлдаёқ бажариб қўйди. Ўша вақтгача хўжалик 3255 тонна сабзавотни буюртмачиларга етказиб берганди. Гектар бошига ҳосилдорлик 350 центнерни ташкил этибди. Аминжон Ҳасанов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар майдондан 400 центнердан эртаги карам, помидор етиштиришга муваффақ бўлишди. Муқимжон Мамараҳимов, Тўлқинжон Жалилов бошлиқ бригадаларда шу кўрсаткич 370-380 центнерни ташкил этди.

Мавсум охиригача хўжаликда сабзавотлар ҳосилдорлиги ҳамма турлар бўйича умумий кўрсаткичи икки бараварга етказилиши мўлжалланяпти. Шу асосда хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Энг муҳими - бу йил улар ойма-ой иш ҳақларини олиб келишяпти.

— Йил якуни бўйича ойлик маошлар, — дейди Тўлқинжон Жалилов, — ўртача 4-5 минг сўмни ташкил этиши керак. Июнь-июль ойларида 2-2,5 минг сўм ҳисобидан ойлик берилди.

— Бу йил хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор беряпмиз, — дея суҳбатга қўшилди раис Асқаржон Эшматов.- Чунончи, аъзоларимизга 90 тонна картошка тарқатиб чиқилди. Оилаларимизга 100 тонна донни ҳам тақсимлаб бердик. Ҳамма турдаги тўловларимиз туфайли июл ойига келибоқ деҳқонларни бир неча ойлик маошга «қарз» ҳам қилиб қўйдик...

Хўжаликда бўлганингизда деҳқонлардаги алоҳида жонланиш, иш натижаларидан мамнунликни кўриб хурсанд бўласиз. Бу ерда бугунги кундан мамнунлик, эртанги кунга ишонч одамлар қалбидан мустаҳкам жой олган. Боиси маълум - юқоридаги кўрсаткичлар.

Футболда майдонга тушиб уйновчи тренер-мураббий тушунчаси бор. Бу вазифани эса футболчиларнинг тўп тепиш маҳоратини ошириш сирларини бевосита ўзи майдонда тўп суриш орқали ўргатади. Жамоа хўжалигининг ёш, гайратли раҳбарини ана шундай мураббийларга ўхшатинг келади.

— Раисимиз ўз кўз ўнгимизда ўсиб вояга етган ҳамқишоқларимиздан-да,- дея суҳбатни давом эттирди Тўлқинжон Жалилов,- шунинг учунми катта-кичикнинг бирига ака, бирига ука бўлиб, ўзи ишларимизга аралашиб кетаверади. Майдонларни экин экишга тайёрлашдан бошлаб, кўчат тайёрлаш, уни ерга ўтказишгача, дастлабки парваришдан то ҳосил етилгунча ҳамма ишларни шахсан ўзи тепасида турди дейиш мумкин.

— Биласизми, — дейди раис бундай йўл тутишнинг боисини тушунтирар экан, — ҳозирча ҳамма аъзоларимиз ҳам ўз ишига бир хил масъулият билан қарайди дея олмаймиз. Албатта, ўтган йиллар натижалари ҳам баъзиларни лоқайд қилиб қўйгандир. Қолаверса, «колхозчилик» мероси ҳам шундай бефарқликни шакллантириб кетган.

Шунинг учун ҳам Асқаржон эрта баҳордан ҳамма ишнинг боришини ўз кўзи билан кўриб, кузатиб боришга ҳаракат қилди. Ерларни ўғитлаш, уруғликларни, кўчатларни агротехника қоидалари асосида қадашни ва ўтказилишини, маҳаллий ва минерал ўғитлардан вақтида ва меъёри билан ишлатишни қатъий йўлга қўйишга эришди. Натижа маълум: бир йилнинг ўзида ҳамма кўрсаткичларда катта-катта ўзгаришлар юз берди. Режа ўдлалаб қўйилгандан кейин ҳам далада ҳали қарийб 1 минг тонна помидор, яна умумий ҳажми 1 минг тоннадан ошадиган сабзи, пиёз, шолғом, кечки карам ва бошқа экинлар бор эди.

Раиснинг ўз ишига масъулият билан қараши, жонкуярлиги, олдига қўйган мақсад йўлида ҳормай-толмай ҳаракат қилиши барча бригадалар раҳбарлари, деҳқонларга ҳам кучди. Эндиликда қаровсиз қолган бирон-бир далани кўриш қийин. Помидордек одамни шошириб қуядиган экин ҳосили ҳам нобуд қилинмай вақтида пешма-пеш атрофдаги учта қайта ишлаш корхонасига етказиб берилди. Ҳатто улар ўртасида помидор талаш ҳам бўлиб кетди.

— Республикамиз Президентининг шу йил бошида Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишларда, вилоятлардаги сессияларда айтган гаплари, айниқса, иш кўзини биладиган раҳбар кадрларнинг доимий заҳирасини шакллантириш бўйича таклифлари ҳамиша ёдимизда,- дейди туман ҳокими Акромжон Сиддиқов.- Туманда қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишнинг бир маромда бориши кўп жиҳатдан раҳбар кадрларни жой-жойига қўйишга эришганимиз натижаси. Биз ёш кадрларни тарбиялашга интилиш билан бирга катта ҳаёт мактабини босиб ўтган раҳбар кадрларимиз тажрибаси, маҳоратидан ҳам фойдаланишимиз керак, деб ҳисоблайман. Чунки ҳар бир раҳбар ўз фаолиятида катталар тажрибасини ҳам ҳисобга олиб, улардан ўрнида фойдаланиш ишда шубҳасиз, самара беради.

Шуниси диққатга сазоворки, туманда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришда аниқ бир мақсад-дастур асосида иш олиб борилмоқда. Чунончи, шу маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб беришгандан кейин қоладиган қисми туман аҳолисини тиббий нарсалар асосида озиқ-овқатлар, витаминлар билан таминлайдиган ҳажмда булишига эришиш вазифаси қўйилган. Шунга яраша етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари, турлари, уларнинг ҳажмлари илмий асосларда белгилаб олиняпти.

— Биз бунда битта тажриба эгаси «Соҳибкор» жамоа хўжалиги раиси Алижон Пайғамов, ёш булса ҳам ташкилотчиликда хориб-чарчашни билмайдиган Акромжон Эшматов каби раҳбар ва мутахассисларга суяниб иш олиб боряпмиз,- ҳикоясини давом эттирди ҳоким.- Ҳозирданоқ сабзавот, мева, дон соҳаларида мақсадга яқинлашиб қолдик. Энди асосий эътиборни инсон танаси учун муҳим булган витаминлар, турли элементлар табий ҳолатда буладиган экинлар, мевали дарахт ва резаворларни режа бўйича етиштиришга ҳаракат қилишимиз керак.

Ҳеч шубҳасиз, бу олижаноб мақсад. Унга эришишда туман меҳнат аҳлига толе ёр булишига тилакдошмиз.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ,
Фарғона вилояти, Узбекистон тумани

Етти иқлим нафаси

Ёзги таътилдан сўнг, Россия Давлат Думаси яна ўз ишини бошлади. Кузги сессия давомида Россия парламенти мамлакатнинг келгуси йил бюджети лойиҳасини муҳокама этади. Шунингдек, сессия ишида Россия Федерациясининг Ер Кодекси ҳамда виждон эркинлиги тўғрисидаги Қонун иккинчи ўқишда кўрилади.

* * *

Чеченистон раҳбарияти мамлакат ҳудуди орқали Россиянинг Новороссийск портига олиб ўтиладиган Озарбайжон нефтининг ҳар тоннаси учун 2 доллару 20 цент талаб қилмоқда. Россия ҳукумати эса олиб ўтилган ҳар тонна нефть учун 43 цент тўлашини маълум қилмоқда. Бош вазир Виктор Черномирдиннинг баёнот беришича, агар чечен томони бу нархга рози бўлмаса, нефть Чеченистон ҳудудини четлаб булса ҳам олиб ўтилади.

* * *

Фаластин раҳбариятининг вакили Соиб Эрекат АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Яқин Шарққа қиладиган ташрифи ижобий натижалар беришига шубҳа билдирди. Маълумки, Олбрайт хоним 9 сентябрь куни Яқин Шарқдаги тўхтаб қолган тинчлик музокараларини яна бошлаб юборишга эришиш мақсадида Исроил ва Фаластинга ташриф буюради. Соиб Эрекатнинг айтишича, Исроил Бош вазири Нетаньяху айби билан тўхтаб қолган Яқин Шарқ тинчлик музокараларига ҳатто АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳам таъсир кўрсата олмайди.

* * *

Араб мамлакатлари лигаси ноябрь ойида Ўртаер денгизида Туркия, АҚШ ва Исроил ҳарбийлари иштирокидаги машқларнинг утказилишидан жиддий хавотир билдирмоқда. Лига Бош котиби исмат Абдул Магид Туркиянинг Қоҳирадаги элчисига топширган баёнотида айтилишича, бу ҳарбий машқларнинг ўтказилиши минтақадаги барқарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Туркия араб мамлакатлари билан яхши алоқаларига путур етказишни хоҳламаса, бу хатти-ҳаракатлардан воз кечиши керак, деб айтилади баёнотда.

* * *

Босниядаги Сербия Республикасида ҳокимият учун сайловлар мамлакатдаги бир қатор сиёсий партияларнинг норозилигига қарамасдан, 13-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Бу ҳақда халқаро ҳамжамиятнинг Босниядаги бош вакили Карлос Вестендроп Югославия президенти Слободан Милошевич билан бўлган учрашувда баёнот берди. Слободан Милошевичнинг 13-14 сентябрь кунлари Сербия президентлиги учун ҳам сайловлар ўтказиш кераклиги ҳақидаги таклифи Вестендорп томонидан рад этилди.

* * *

Япония Бош вазири Рютаро Хасимотонинг Хитойга қилган ташрифи самарали давом этмоқда. Рютаро Хасимото икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни юмшатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Маълумки, Япония ва Хитой ўртасида ҳар томонлама алоқалар ўрнатилганига 25 йилдан ошган булса-да, илгариги низолар ҳамон ҳар икки томоннинг эсида турибди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

Марказий Осиё янгиликлари

Немис духтирларининг сўзларига қараганда Германияда сафарда булган Туркманистон Президенти С.Ниёзовнинг юрагини операция қилишга тўғри келган. Тўрт соат давом этган бу операция муваффақиятли ўтган. Шифокорлар С.Ниёзов Мюнхендаги касалхонада яна икки ҳафтача булиб, соғлигини тиклаши лозимлигини айтишган.

***

Мана бир неча ойдан бери Қозоғистоннинг Қараганда, Тургай, Павлодар областлари ҳудудидаги ўрмонларда куннинг иссиқ келиши натижасида бошланган ёнғин давом этмоқда. Бу табиий офат натижасида қарийб 50 минг гектар майдондаги қарағайзорлар нобуд бўлган. Республика ички ишлар вазирлиги ёнғиндан сақлаш бошқармасининг булим бошлиги М.Мейлибоевнинг сўзларига қараганда ёнғин яқин кунларда даф қилинади. Бу ишга мингга яқин ўт ўчирувчи ва уч минг кунгиллилар жалб қилинган.

***

Тожикистондаги Россия чегара қўшинлари қумондонлигининг хабарига қараганда Панж дарёсини кечиб ўтмоқчи булган беш киши халоқ булган.

Истеъмолчи манфаати - муқаддас

«БАРЧАСИДИН ЧУН ҒАРАЗ ИНСОН»

Аслида бу кўҳна заминнинг офарида бўлиши бани башар учун. хизмат қилади. Навоий ҳазратлари айтиб ўтганларидай:

«Барчасидин чун ғараз инсон эди».

1997 йилнинг инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши ана ўша азали-ҳақиқат томон қўйилган бир муҳим қадам бўлди. У бугун мамлакатимизнинг сиёсати мустақиллигимизнинг дунё билан бўйлаштираётган инсонлар меҳнатига қаратилган, жумладан: дастлаб 1996 йил апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5-сессиясида «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун қабул қилинган бўлса, яқинда ўша истеъмолчиларга сифатли ва арзон нархда керакли бўлган зарур маҳсулотларни сотиб олиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг асосий йўналиши ҳам халқимиз манфаатларига қаратилган. Маълумки, сўнгги вақтларда республикамизнинг барча бозорларида, ҳатто кўчаларида шакар, сариёғ, ҳар хил хориждан келтирилган ёғлар, шоколаду печеньелар, ун ва шунга ўхшаган санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиб сотилиши лозим бўлган маҳсулотлар сотиш анча кўпайди. Шу билан бир қаторда бу ишда тартиб-қоида ҳам бузилди. Баъзан эса халқ истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотлар сотувида сунъий танқисликни вужудга келтириб, уларни бозорга чиқариб, икки-уч баробар баҳода мумай пул топаётганлар ҳам тез-тез учраб турарди. Бу ҳолат афсуски республикамизнинг деярли барча бозорларида мавжуд эди. Хўш, бу эзгулик йўлида қабул қилинган ҳужжат амалий ижроси қандай кечмоқда? Шундай саволларимизга жавоб излаб Тошкент шаҳар туманлари савдо шахобчалари фаолияти билан танишдик. Чилонзор туманидаги «Бешёғоч» бозорига ташриф буюрдик. Аввало миллий қиёфадаги бинолардан ташкил топган кўк гумбазли ушбу бозорга кираверишимизданоқ озодаликни кўриб, дилимиз қувнади. Бозорда юқоридаги қарорда келтирилган маҳсулотлар ва ҳар хил кўлбола овқатлар сотувдан олиб ташланган бўлиб, 200 ўринга мўлжалланган, деҳқонларга савдо-сотиқ қилишда кенг расталар, керакли шарт-шароитлар яратилган. Бозордаги овқатланиш жамоа корхонасида деҳқонлар сифатли, арзон овқатлар билан тамадди қилишлари мумкин. Ҳозирги кунда халқимизга энг зарур шакар ва ун маҳсулотларини дўконларда бор-йўқлиги масаласида биз ташриф буюрган «Чилонзор» савдо жамоа корхонасида ҳамда «Бешёғоч», «Даврон» фирма дўконларида бу маҳсулотлар имкон қадар халққа ўз вақтида етказилаётганлигига амин бўлдик. «Чилонзор» савдо марказида август ойида 22 тонна 350 кг шакар, 17 тонна ун истеъмолчиларга сотилган. «Даврон» фирмасида эса 1,5 тонна шакар, 1800 кг ун Мустақиллик байрами арафасида истеъмолчиларга сотилган. Дўкон ажратилган фондига яраша маҳсулотларни ўз вақтида олган ва сотиб бўлинган. Айни пайтда дўконларда шакар йўқ. Бунинг сабабларидан бири ҳозирги вақтда харидорларнинг талаблари тақсимлаб эмас, ўз хоҳлаганларича қондирилганлигидандир. Буни ҳатто биз ҳам суҳбатда бўлган баъзи бир харидорлар ҳам тасдиқлашди. «Ҳозир айни пишиқчилик вақти бўлганлиги учун қишга тайёргарлик қилиш керак, ҳар хил ширинликлар, шарбатларни консервалашда шакар маҳсулотлари кўп ишлатилади. Шу боис баъзан шакардан кўпроқ сотиб олаяпмиз» дейди харидор Н.Абдуллаева. Тадбиркор, ишбилармон, халқпарвар («Бешёғоч» фирмаси директори Мажидов Маҳмуджон ака, «Даврон» фирмаси директори Саидалиев Латиф ака, «Чилонзор» савдо маркази директори Ш.Саидғофуров) раҳбарлик қилаётган савдо марказлари расталари хориж ва ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳар хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментларини кўриб кўзингиз қувонади ва хаёлимизда ҳар бир фирма дўконларда ана шунақа уддабурон раҳбарлар бошчилик қилса эди, деган фикр кечади.

Л Е К И Н ...

Юқоридаги текширувимиздан олган ажойиб таассуротларимизни янада бойитиш мақсадида Бектемир туманида бўлдик. Аммо ҳамма жойда эмас, баъзи савдо шахобчаларида бунинг акси бўлиб чиқди. Бу туманда ҳам бу қарорга ижобий жавоб берувчи ҳолатлар бор. Сайёр гуруҳимиз билан туманга қарашли «Ёқутхон» хусусий фирма дўконида бўлганимизда дўконда нафақат ун, шакар, ёғ балки ҳозирги кунда халқ истеъмоли учун кенг йўл очиб берилган бир вақтда ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқлиги ҳам бизни жуда ажаблантирди. Бу дўконда сотувчи лавозимида ишлаётган Урозгул Бегматова билан қилган савол-жавобимизда сотувчи опадан қониқарли жавоб ололмадик. Ундан сотувда турган «Болалар пастаси», болалар қуруқ кашасининг (25 дона) ҳужжатларини сўраганимизда «Солиқ инспекцияси рухсат берган» деган жавобни олдиғу, лекин ушбу «рухсат» тўғрисидаги ҳужжатни ололмадик. Баъзи маҳсулотлар ноқонуний равишда сотилаётганининг устига устак юк сақлаш хоналари санитария-гигиена талабларига умуман жавоб бермайди. «Ҳуру-Ҳамдам» хусусий фирма дўконида шакар, уну-ёғдан асар ҳам йўқ. Ушбу дўконнинг мудири Маҳкамов Одил йўқлиги сабабли дўкон сотувчиси М.Маҳмадалиева билан суҳбат қурдик. Одатдагидек ундан «Мен билмайман, ҳужжатлар мудирда эди» деган жавобни олдик. Сотувда турган «Елена» ёғидан олти яшик бўлиб, уни истеъмол қилиш муддати ўтиб кетган экан.

Халқимизда беш қўл баробар эмас, деган нақл бор. Биз шу туман бўйлаб текширувимизни давом эттирганимизда Бектемир савдо бошқармасига қарашли 10 ва 12-дўконларда айни харидорларга керакли бўлган ун, шакар, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотларини сотаётганлигига гувоҳ бўлдик. 10-дўкон мудири Ш.Хушназаров ва 12-дўкон мудири М.Абдуллаевлар суҳбат қилганимизда ва текширувимизда ҳамма керакли ҳужжатлар ва маҳсулотларни истеъмол қилиш талабларига жавоб бера олиши кўнглимизни анча кўтарди. Ушбу дўконлардаги тукинсочинликка савдо бошқармаси раиси Шораҳим Шоаҳмедовнинг ишбилармон, тадбиркор эканлигидан далолат бериб турибди. Умид қиламизки, бу кузатувимиз натижасида юқорида камчилиги қайд этилган баъзи бир тадбиркорлар ҳам мақоламиздан тўғри хулоса чиқарган ҳолда истеъмолчи манфаати муқаддас деган тушунчани ўзларига шиор қилиб оладилар. Агар бу тушунчанинг асл моҳиятини чуқур англаб етмас экан, тегишли ташкилотлар тушунтириб қўйса ажаб эмас.

Б.ҒАФФОРОВ,
Қ.АББОСОВ,
СЭМ катта мутахассислари,
Улуғбек АҲРОРОВ,
«Ишонч» мухбири

Сиз суратда Жиззах тумани А. Навоий жамоа хўжалиги пахта далаларини кўриб турибсиз. (чапдан) Қишлоқ ва сув хўжалиги бошлиғи Орзу Каримов ва жамоа раиси Облоқул Каримов пахтанинг сўнгги дефолеациясини кўздан кечирмоқда. Улар ҳар гектар ердан 30 центнер ҳосил олмоқчи.

Сурат муаллифи Н. АЛМУРОДОВ.

ҒОЛИБГА — «ТИКО»

Нукусда теннис бўйича «Орол» кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

Уч кун давомида Қорақалпоғистоннинг энг тажрибали ўттизта «кичик туп» усталари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Пухта тайёргарлик билан келган Нукус шаҳридаги Ажиниёз номидаги мактаб ўқувчиси Сағидулла Қутибоев биринчи ўринни эгаллади.

Турнир ғолиби «Тико» автомашинаси билан тақдирланди. Унинг калитини Қорақалпоғистон республикаси Жуқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов тантанали вазиятда топширди.

Инсон манфаатлари йили

Оҳангарон шаҳридаги қурилиш корхоналари ва ташкилотларида меҳнат-муҳофазасининг аҳволини ўрганиш шуни кўрсатдики, хўжалик раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари томонидан хавфсиз меҳнат ва ишлаб чиқариш маиший шароитини яратиш, шикастланишнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар шу кун талабларига жавоб бермайди.

МАҚСАД — КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Текширилган барча корхоналар ва ташкилотларда кейинги уч йилда иш жойлари аттестациядан ўтказилмаган. Иш жойларидаги шовқин-сурон, чангланиш, заҳарли газларнинг чиқиши, ёритилиши ва ҳарорат-намлик, санитария-гигиена меъёрлари талабларига жавоб бермайди. Оқибатда «Оҳангароншифер», «Оҳангаронцемент», «Сантехқуйма», «Оҳангаронтемирбетон» ҳиссадорлик жамиятлари ишчи-хизматчилари заҳарли моддалар ижозат этилган меъёрларга нисбатан анча кўп бўлган иш жойларида ишлашга мажбур бўлмоқдалар.

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамиятида чанг-чунг даражаси, асбест ортувчилар иш жойларида ижозат қилинган меъёрга нисбатан 15 баробарга, газпайвандчилар иш жойларида 6 баробарга, чилангар-таъмирловчилар, транспорт юкловчилари ҳудудида 5 баробарга кўп. Чилангар-таъмирловчилар ишлайдиган жойда шовқин-сурон рухсат этилган даражага нисбатан 7 баробарга ошиб кетган. Электр билан ёритиш ҳам талаб қилинган меъёрга жавоб бермайди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бу масалаларда «Оҳангаронцемент», «Оҳангаронтемирбетон», «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари ва «Оҳангарон рангли цемент» қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар ночор аҳволда. Баъзи корхоналар раҳбарлари «қандай қилиб бўлса ҳам юқори даромад олсак бўлди» қабилига ўтиб олишган. Одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, меҳнат хавфсизлиги шароитини яратиш каби қарз ва фарз ишлар четга суриб қўйилган. Натижада ишлаб чиқаришда кўнгилсиз воқеалар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ўтган йил давомида «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқаришида 8 та кўнгилсиз воқеа содир бўлди, шу жумладан бир воқеа ўлим билан тугади. Ўлим билан тугаган воқеанинг сабаби меҳнат хавфсизлиги юзасидан лозим тадбирлар амалга оширилмаётганлигидир. Шу йилнинг 6 ойи ичида ишлаб чиқаришда 4 марта кўнгилсиз воқеа юз бериб, 112 иш куни йўқотилди. Бу албатта кам эмас. Шунда ўз-ўзидан савол туғилади, хўш юз берган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш юзасидан муқобил тадбирлар ишлаб чиқилдими, инсонлар тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиндими? Минг афсуслар бўлсинким, бундай кўнгилсиз воқеаларнинг такрорланмаслиги, шикастланишнинг олдини олиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланмади.

Бундай воқеаларни Оҳангарон шаҳридаги яна қатор корхоналарда ҳам кўриш мумкин. Чунончи, 1996 йилда «Оҳангароншифер» «Оҳангаронқурилиш» корхоналарида иккитадан, «Оҳангаронтемирбетон» ҳиссадорлик жамиятида битта кўнгилсиз воқеа юз берган. Унинг натижалари касаба уюшма қўмитаси мажлисида кўриб ҳам чиқилмаган. Шундай бўлгандан кейин кўнгилсиз воқеанинг юз беришига сабабчи бўлган жавобгар шахсларни жазолаш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ахир бу ўтакетган масъулиятсизлик-ку! Бундай вақтда касаба уюшмаси ижтимоий ҳимоя воситаларини жанговарлик билан ишга солиши керак эмасмиди?!

Кези келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ишлаб чиқаришда шикастланишнинг рўй беришига асосий сабаблардан бири асбоб-ускуналар, машина ва механизмларнинг техник аҳволи ёмонлиги. Кўпгина станок ва технологик ускуналар, машина ва механизмларда ихота, тўсиқ ва ҳимоя воситалари ўрнатилмай, ишлатишга йўл қўйилмоқда. «Оҳангаронтемирбетон», «Сантехқуйма», «Оҳангароншифер», «13-Автокорхона»да ана шундай кечириб бўлмайдиган ҳоллар юз берган.

Ҳавфсиз меҳнат ва ишлаб чиқариш маиший шароитини яратишда жамоа шартномаларининг аҳамияти ниҳоятда катта. Жамоа шартномасини — митти қонунлар деб бекорга айтишмайди. Бу гапнинг замирида катта мазмун ётади. Агар меҳнат жамоаси манфаати кўзда тутилса меҳнат қонунида бўлмаса-да, лекин Ўзбекистон республикаси қонунида ман этилмаган бўлса, уни қўллаш, республикада ягона бўлиб ҳаётга жорий этиш мумкин бўлади. Бу жуда катта гап.

Афсуски, айрим корхоналарда жамоа битимлари ва шартномаларида меҳнат муҳофазаси масалаларини тўла-тўкис киритишга етарли эътибор берилмаяпти. «Оҳангаронцемент» корхонасининг 1997 йил учун тузилган жамоа шартномасида зарарли ва ҳавфли шароитда ишловчилар учун қўшимча таътил бериш кўзда тутилмаган.

«Оҳангарон рангли цемент» қўшма корхонаси жамоа шартномасида меҳнат муҳофазаси боби тузилмаган. Жамоа шартномасига қонунчилик бўйича махсус кийим, махсус пойафзал ва якка ҳимоя воситалари берилиши керак бўлган, шунингдек, қўшимча таътил олиш ҳуқуқига эга бўлган, зарарли иш жойларида ишловчи касбкорлар рўйхатлари киритилмаган. 18-кўчма механизациялашган коллонна, «Оҳангаронтемирбетон», «Оҳангарон пласт-масс қурилиш материаллари» корхоналари жамоа шартномаларида ҳам меҳнат муҳофазаси масалалари етарлича акс этмаган.

Маълумки, ҳозирги вақтда маблағлар танқислиги муносабати билан меҳнат муҳофазаси учун пул ажратиш анча қийин бўлмоқда. Уни қарангки, Оҳангарон шаҳридаги айрим корхоналарда бир қадар ажратилган озгина маблағларни ҳам ўзлаштирилмаганини қандай баҳолаш керак?!

Вилоят қурилиш ва бинокорлик материаллари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раёсати кенгайтирилган мажлисида юқорида таъкидланган фикрлар билдирилди. Унда сўзга чиққан «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамиятининг раиси Александр Павлович Федоров, «Оҳангароншифер» касаба уюшмаси қўмитаси раиси Озод Хушназаров, «Оҳангаронқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Йўлдош Эргашев, «Оҳангаронқурилишпластмасс» корхонаси бош муҳандиси Эркин Акромов, «Чирчиққурилиш» касаба уюшма қўмитасининг раиси Мирсаид Мақсудов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши техника нозирлиги бўлими мудирининг ўринбосари Тоштон Ортиқов, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Сирожиддин Аъзамов ва бошқа кишилар кейинги йилларда техника хавфсизлиги масалаларига етарли эътибор берилмаётганлиги, ҳар йили аҳвол ўрганилиб, пухта тадбирлар тузиб чиқилиши ўрнига, аввалги йиллардагиси йилдан-йилга кўчириб олинаётганлиги, ўқитиш ишлари эътибордан четда қолаётганлиги, кўп жойларда муҳим аҳамиятга эга бўлган иш жойларини аттестациялаш бажарилмаётганлиги, профилактика тадбирлари йилдан-йилга камайиб кетаётганлиги, икки-уч йилга жамоа шартномаларини тузиб қўйиш ўзини оқламаётганлиги, техника хавфсизлигига жуда кам маблағлар ажратилаётганлиги ва бошқа қатор масалалар юзасидан куйинчаклик билан гапирдилар.

Бу йил инсон манфаатлари йили. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда меҳнат хавфсизлиги муҳим ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан юқоридаги масала қуйилар экан, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят қурилиш ва бинокорлик материаллари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Оҳангарон шаҳридаги корхоналарни атрофлича ўрганди. Бундан мақсад меҳнат хавфсизлиги жойларда қандай йўл қўйилганлигининг аҳволини чуқур ўрганиш, камчиликларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиш эди. Шунинг учун ҳам кенгайтирилган раёсат мажлиси танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш руҳида ўтди. Қурилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. Ҳар бир корхонада маблағлар етишмаслигига қарамай, ташаббускорлик ва жанговарликни ошириш ҳисобига меҳнат хавфсизлиги юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва унинг қатъий ижросига эришиш топширилди.

Будир ПУЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот маркази мудири

Касаба уюшма ҳаёти

БОШ ВАЗИФА ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА

(Наманган вилояти касаба уюшмалар кенгаши мажлисидан)

Бозор муносабатларига ўтиш босқичининг бош вазифаларидан бири ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдир. Бинобарин, бу нарса касаба уюшма қўмиталари билан маъмуриятлар ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларда ўз ифодасини топиб бормоқда. Хўш, бу муҳим вазифа вилоят енгил саноат тармоқларида қандай бажарилмоқда? Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг навбатдаги мажлиси ана шу долзарб масалага бағишланди. Шу ҳақда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси Каримжон Раимжонов маъруза қилди.

Маърузачининг таъкидлашича, бугунги кунда халқ хўжалигининг ушбу муҳим тармоғида фаолият кўрсатаётган 26 бошланғич ташкилотдаги 32 мингдан зиёд аъзо мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Соҳада ишлаётган барча касаба уюшма аъзолари ўз корхоналарининг акцияларини сотиб олиб ишлаб чиқаришга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Мисол учун Наманган шаҳридаги «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида ишчи-хизматчиларнинг акцияларга қизиқиши катта бўлди. Улар корхона ихтиёрида қолган 35 фоиз акцияга қаноат ҳосил қилибгина қолмай очиқ савдодаги акцияларнинг ҳам талайгина қисмини сотиб олишга эришганлар. Улуғ Ватан уруши, Афғон уруши, Чернобил фожиасини тугатиш иштирокчиларига, корхонада ишлаб ногирон бўлганларга, кам таъминланган оилаларга, 10 тадан имтиёзли акциялар тарқатилган. Шундай қилиб корхона ихтиёридаги акциялар миқдори 51,6 фоизга етказилган. Натижада янгича иқтисодий ислоҳотлар республикада биринчи бўлиб сунъий мўйна ишлаб чиқаришни ўзлаштирган мазкур йирик саноат тармоғини ҳар тарафлама юксалиши учун асос яратди, даромад олишни кўпайтириш имконини берди. 1996 йил якунига кўра жамоа ихтиёридаги фойданинг 40 млн.сўми ходимларга дивиденд сифатида тарқатилди.

Корхона бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига кўра ишловчилар манфаатлари ҳимояси бош вазифа қаторига кўтарилган. Чунончи, 6 нафар кам таъминланган ишчига корхонанинг ички нафақаси белгиланган. Отахон Сайдуллаевга 1997 йилда уй қуриб берилди. Ногирон Нурматова Тўпахоннинг турар жойини таъмирлаш ва қўшимча хона қуриб бериш харажатлари корхона ҳисобидан амалга оширилди. Шунингдек, Шарифжон Мирдадаевга ҳам ана шундай ёрдам кўрсатилди. Хуллас, 64 нафар кам таъминланган ишчига 650 минг сўмлик, 3 нафар Чернобилчига 600 минг сўмлик моддий ёрдам қилинди.

Лекин қани энди бошқа жойларда ҳам ана шундай ижобий ишларга дуч келсанг эди, дея давом этди маърузачи К.Раимжонов. Афсуски, ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида Ўзбекистон касаба уюшмалари XY қурултойи ва касаба уюшмалари вилоят кенгашининг Y мажлисида белгиланган вазифалар ижроси ўз ифодасини топмаяпти. Текширилган 10 та ҳиссадорлик жамиятида 9,44 фоиз иш вақти ва шу давр ичида ишлаб чиқарилиши зарур бўлган 65 млн.сўмлик маҳсулот, 10 млн.сўмга яқин иш ҳақи бой берилган. «Муштарий» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятини олайлик. Бу ерда кейинги вақтда орқага кетиш кузатилмоқда. Масалан, 42,5 фоиз иш вақти йўқотилди. Ўтган йилнинг 8 ойи мобайнида 55,8 млн.сўмлик тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил бу борадаги кўрсаткич аранг 18,4 млн.сўмликни ташкил этди холос. Ёки бу 1996 йилга нисбатан 33 фоиз демакдир. Корхонада йил давомида 716 ишловчининг бекор туриб қолишлиги оқибатида 40 минг ишчи куни йўқотилди. Ходимлар кўнимсизлиги 30 фоизга кўтарилди. Худди шундай аҳволни Косонсой пойафзал ҳиссадорлик жамиятида, Чустдаги «Нодира» тикувчилик, Уйчи, Учқўрғон, Ҳаққулобод йигирув тикув ҳиссадорлик жамиятларида ҳам кузатиш мумкин. Учқўрғон йигирув-тикув фабрикасида йилнинг биринчи ярим йили ичидагина ўтган йилга нисбатан 500 нафар ишчи ва 57 фоиз саноат маҳсулоти йўқотилган. Табиийки, бу салбий кўрсаткичлар ишчиларнинг тирикчилик манбаи ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Касаба уюшма ташкилотларининг талабчанликни сусайтириб юборганлиги оқибатида тармоқ кўпчилик корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлигича қолмоқда. Бу ўз ўрнида ишловчиларнинг маошларини Меҳнат Кодексининг 161-моддаси ва жамоа шартномасида белгиланган муддатларда берилмаслигига олиб келмоқда. «Атлас» ҳиссадорлик жамиятининг 1 августгача иш ҳақида қарзи 14 млн.сўмга, Уйчи йигирув-тикув ҳиссадорлик жамиятининг қарзи бир млн.сўмга, Учқўрғон йигирув-тикув жамиятининг қарзи 3,2 млн.сўмга етган. Чустдаги «Нодира» тикувчилик ҳиссадорлик жамиятида анча вақтдан буён ишловчиларга умуман маош берилмаган. Бунинг ўрнига корхонада тайёрланган маҳсулотни тарқатиш одат тусига кириб бормоқда. Уни бозорга чиқариб сотишга мажбур бўлаётган ишчилар эса зиён кўрмоқдалар.

Касаба уюшмалар тармоқ қўмитасида 1385 нафар кам таъминланган касаба уюшма аъзоси рўйхатга олинган. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар бериб бориш йўлга қўйилган. Ўтган вақт ичида салкам 1,5 млн.сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ҳам. Лекин Уйчи йигирув-тикув ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасида касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий аҳволи таҳлил этилмаган. Бунинг оқибатида моддий ёрдамнинг мақсадли эканлигини ҳеч ким асослаб бера олмайди. Бундай салбий ҳолатларни бошқа касабақўмларда ҳам учратиш мумкин. Биз ҳуқуқий давлат тузар эканмиз, ҳар бир қароримиз, сўзимиз асосли бўлиши керак.

Маълумки, меҳнат муҳофазаси ижтимоий муҳофазанинг таркибий қисмидир. «Меҳнатни муҳофазалаш тўғрисида»ги Республика Қонунида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналарда муҳофаза қилишнинг ягона тартиби белгилаб берилган. Кейинги йилларда вилоятдаги енгил саноат корхоналарида бу борада бир мунча тадбирлар жорий этилди. Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол бир текис эмас. 1997 йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида тармоқ корхоналарида ўтказилган текширишлар давомида 211 та камчилик топилиб тақдимномалар ёзилди. Шу даврда 12 та механизм, дастгоҳ ва машиналар тўхтатилди. Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун 6 та муҳандис-техник ходим маъмурий жавобгарликка тортилди. 3 нафар масъул ходим ўз лавозимларидан четлатилди.

Маъруза юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Кенгашда Вилоят ҳокимининг ўринбосари Икромжон Каримов нутқ сўзлади. Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси К.Раимжонов якунловчи нутқ сўзлади. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Мажлисда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Икромжон Нажмиддинов ва Маҳмуджон Ҳамидовлар иштирок этдилар.

Обиджон
ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Қишлоқ хўжалиги: иқтисодий ислоҳотлар қандай бормоқда?

УМИДЛАР ЯШОВЧАН, УЛАР СЎНМАЙДИ...

Меҳнатобод туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси деҳқонлари фаолиятига бир назар

Й. Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси Меҳнатобод туманидаги энг шўрхок ҳудудда жойлашган хўжалик ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар гектар майдонда ўртача 680 тоннадан туз мавжуд. Ширкат уюшмаси раиси Абдуқаюм Алматовнинг таъкидлашича, хўжалик балансига ўтиб келган 710 гектар суғориладиган экин майдонида на очиқ ва на ёпиқ зовурлар ўрнатилган. Бу айниқса, хўжаликнинг 1, 5, 7, 2-ширкатларида кўплаб майдонларни ташкил қилади. Хўжалик ерларини ўзлаштириш даврида кўзбўямачиликлар, қўшиб ёзишлар эндиликда ўзининг «мевасини» кўз-кўз қилаётир. Юқорида таъкидланган ширкатларнинг катта-катта майдонларида экинлар умуман униб чиқмаяпти, ёки униб чиққан тақдирда ҳам тез орада қовжираб қолмоқда. Ачинарлиси шундаки, йирик-йирик карталардаги бундай «олачалпак» ҳолатлари туфайли техника амортизацияси, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, қанчалаб ишчи кучи беҳудага сарф бўлиб бормоқда. Бунинг олдини олиш йўли битта — у ҳам бўлса, хўжалик ҳудудидан зудлик билан очиқ зовурлар қазилиши керак. Лекин асосий муаммо— хўжаликнинг маблағи йўқлигида қолган. Ўтган йили хўжалик ҳисобидан 1 миллион 700 минг сўмлик маблағ ариқ-зовурларни тозалаш, гилмояли экин майдонларини махсус плугмослама билан ҳайдашга сарфланди. Бу хамир учидан патирдек бўлди, холос.

Ширкатлар уюшмасининг бош ҳосилоти Раҳматулла Ғойиповнинг бизга берган маълумотига қараганда, хўжаликнинг мавжуд 2350 гектар майдонидаги ғўзаларга иккинчи бор сув таралмоқда. Ана шу майдоннинг 313 гектарида ғўза кўчати умуман йўқ. Саксон фоиз экин майдонлари кучли шўрланган ёки 3200 гектар ернинг ҳолати ана шундай. Давлатга ғалла топшириш режадаги 1818 тонна ўрнига 1165 тоннада қолиб кетди.

Буларнинг барчаси охир-оқибатда хўжалик иқтисодиётига жиддий зарба бўлиб тушмоқда. Биргина иш ҳақининг ўзидан хўжалик шу йилнинг биринчи ярми ҳисобига 560 минг сўмлик, ўтган сўнгги уч йил ҳисобидан бўлса, 5 миллион 252 минг сўмлик қарздор бўлиб турибди. Хўжалик иқтисодиётига «тушов» бўлиб турган дебитор ва кредитор қарзларни ҳам жиловлашнинг эпи бўлмаяпти. Акс ҳолда хўжалик бугунга келиб 7 миллион 828 минг сўмлик дебитор, 92 миллион 950 минг сўмлик кредиторлик қарз ботқоғига ботиб ўтирмаган буларди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ширкатлар уюшмасида ўз ишининг фидойилари ва жонкуярлари жуда кўпки, улар билан ҳақли равишда фахрланса, ғурурланса арзийди. Ана шундайлардан бири — Неъмат Абдужабборовдир. Хўжалик раҳбарлари Неъматни бизга «ўз ишининг устаси, ҳақиқий пахтакор» дея таништирди. Биз бу мақтовнинг ҳақлигига Н. Абдужабборов бошлиқ бригада даласида бўлганимизда иқрор бўлдик. Бригадага қарашли 33 гектар майдондаги ғўзалар бир текис ривожланмоқда. Ҳар туп ғўзада ўртача 15-16 талан кўсак санадик. Демак, ўртача 32 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиниши аниқ. 9 август кунигача ўн фоиз пахта очилишга улгурибди.

— Андижонликлар усули — пахтани плёнка остига экиш мени ўтган йилдаёқ қизиқтириб қолган эди, — дейди бригада саркори Неъмат Абдужабборов, — ҳали «юқоридан» рухсат этилмаган бўлсада, хўжалик раҳбарлари билан келишиб, ўтган йили 6 гектар майдонга плёнка остига чигит қададик. Натижа кутганимиздан ҳам зиёда бўлди: ўттиз центнердан ҳосил олдик. Тўғри, бу янги усул қўл меҳнатини кўпроқ талаб қиларкан. Оиламизда кўпчилик бўлганимиз учун ҳам бу янгиликка жазм қилиб, умумий майдонни 33 гектарга кенгайтирдик. Натижаси — мана, кўриб турганингиздек. Бригаданинг Назира Илашова, Комила Мавлонова, Рўзибой Раҳмонов, Иноят Абдужабборов сингари кўплаб фидойилари борки, шуларнинг меҳнатлари туфайли ғўзалар баравж ва сермавж бўлиб ривожланмоқда, ҳосилига ҳосил қўшилмоқда.

Хўжаликдан қайтар эканман, шу жойда истиқомат қилувчи тажрибали пахтакор, ҳозирги пайтда нафақахўр Аҳмад ака Тешабоевнинг: «шўр жойда ҳатто қамиш ҳам қуриб қоларкан» деган сўзлари бир-бир хаёлимдан ўтди. Йўқ, деймангАҳмад акага хаёлан эътироз билдириб, шоир айтганларидек, «Умид билан тикилган таёқ, бир кун берар меваю, япроқ». Ҳа, умидлар сўнмасин, умидлар яшайверсин...

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАРИХИМИЗНИ СИНЧИКЛАБ ЎРГАНАЙЛИК

«Ҳозирги ёшларда ва келгуси авлодда ўз давлати, халқининг тарихини шак-шубҳасиз билиш билан бир қаторда, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганиш зарурлигини тушуниш ва англаш ҳиссини тарбиялаш лозим».

Ислом КАРИМОВ.

«Сафед Булон қиссаси» мақоласи устида иш олиб бораётиб, В.Наливкиннинг «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» китобида Мидденлорфнинг «Фарғона водийси очерклари» рисоласи борлиги ҳақидаги хабарга кўзим тушиб қолди. Рисолани излаб Алишер Навоий номли миллий кутубхонадан топдим. Рисола 1882 йил Санкт-Петербург шаҳрида император Фанлар Академиясининг нашриётида чоп этилган экан. Унинг муаллифи академик Александр Федорович Миддендорф (1815-1894 йиллар) асли финляндиялик бўлиб, рус сиёсатдонларининг топшириқлари асосида иш олиб борган. Сибирь, Узоқ Шарқ муаммоларини ўрганган. 1878 йилнинг бошларида у бир гуруҳ мутахассислар билан Туркистонга жўнатилган. Маълумки, бу даврларда Россия, Ўрта Осиё харитасида йирик салбий ўзгаришлар содир бўлган эди.

Ўрта Осиё ерлари Россия томонидан босиб олина бошланди. 1858 йили Оқ Мачитни, 1860 йили Тўқмоқ ва Пишпекни босиб олди. Босқинчиларга қарши курашга кўтарилган Қўқон хонлигининг сарбозлари истилочиларга зарба бериб ушбу шаҳарларни озод қилишга эришди. Аммо орадан икки йил ўтгач, подполковник Колпаковский бошчилигидаги босқинчи қўшинлар юқоридаги шаҳарларни яна босиб олди. Подполковник, кейинчалик генерал унвонига эга бўлган Черняев қўшинлари 1862 йили Авлиёотани, Туркистон, Чимкент шаҳарларини, 1865 йили 17 июнда Тошкент шаҳрини ишғол қилди. Тошкент учун жанг қаттиқ бўлган. 9 ой давомида қонли жанглар давом этган. Кўплаб одамлар ҳалок бўлишган. Лекин кўп қўшин, ўқ-замбараклар билан қуролланган рус истилочилари Тошкентни қўлга киритгач, 1866 йили Хўжандни, Ўратепани босиб олди. Шундан сўнг Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди.

1875-1876 йиллари Қўқон хонлигига ҳужум бошланди. Икки йил давом этган бу уруш ҳаракатлари Фарғона водийси халқига кўп фалокат келтирди. Қўқон хонлигининг ичидан вайрон қилиш учун рус айғоқчилари ишга солинди. Хонликда ички зиддиятлар кучайди. Қўқон хони Худоёрхон ўз тахтидан воз кечишга мажбур бўлди. У Оренбургга сургун қилинди. Унинг ўрнига тахтга ўтқазилган собиқ хоннинг катта ўғли Насриддинбек ҳам кўп ўтмай Россияга жўнатиб юборилди. Россия империясининг истилочилик сиёсатига қарши ғазовот эълон қилиб, жанг бошлаган Пулатхон қўлга олиниб, халқ кўзи олдида осиб ўлдирилади. Абдураҳмон офтобачи ва бошқалар ҳам сургун қилинади. Қонхур Скобелев бошчилигидаги босқинчилар Қўқон хонлигини бўйсиндириб, Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш шаҳарларида оқ подшо тартибини ўрнатади. Туркистонни босиб олиш учун бўлган жангларда кўплаб қонхўр,босқинчи, золим рус офицерлари генераллик унвонига сазовор бўлдилар.

1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил топади. У Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Бу императорнинг олий фармони билан жорий этилди. Шундай қилиб, қадимий Фарғона водийси мустамлакага айлантирилди, эркидан маҳрум бўлди. Янги кўшиб олинган жойларни ўрганиш учун кўплаб экспедициялар уюштирилди. Шундайлардан бири А.Миддендорф бошчилигидаги экспедиция бўлиб, у ярим йил ичида водийнинг географик ва орографик аҳволи, иқлими, деҳқончилик, чорвачилик, усимликлар дунёсини, аҳолиси, урф-одатлари бўйича материаллар тўплаб, ўз рисоласини яратди.

Рисола муаллифининг фикрича, 300 йил муқаддам Сибирь ерларини казаклар ишғол қилган. Сибирни ўз таъсирига олган чор Россияси ўз ерларини Марказий Осиё ҳисобига кенгайтиришга киришган. Аммо бу мураккаб иш эди. Россия учун бутунлай нотаниш ва ёт бу ўлкани бошқариш, уни империянинг таркибий қисмига айлантириш учун фан вакиллари йўл очиб бермоғи лозим эди. Ушбу мақсад йўлида кўп олимлар, саёҳатчилар иш олиб боришади. Бу китобда Шмидт, Семенов, Федченко, Сварцов, Ляйель, Шарпанитье, Фольгером, Зандбергер, Мушкетов, Рихтгофен, Бишоф, Гавенштейн, Абрамов, Савинов, Штеллинг, Шуйлер, Назаров ва бошқаларнинг ишлари кўрсатиб ўтилган. Булар ўз асрларида забт этилган Туркистон, айниқса Фарғона водийси ерлари саховатли, жаннатмакон эканлигини қайд этиш, бу ҳосилдор, файзли ерларга Россиядан кишиларни тезроқ кўчириб келиб, ерларнинг эгаси бўлиб олишни ҳар томонлама асослаб беришган. Бу тавсияномаларга асосан император фармони билан Туркистон ерларига Саратов, Тамбов, Воронеж, Самара губернияларидан дастлабки мустамлакачилар кўчиб кела бошлайдилар. Улар энг яхши, серҳосил ерларни тортиб ола бошлайдилар.

Маҳаллий халқ бундай зўравонликка қарши бош кўтаради. Биринчи тўқнашув 1856 йили бўлиб ўтади. Эшонхўжа бошчилигида деҳқонлар қўзғалон кўтарадилар. Келгиндиларга қаттиқ зарба берадилар. Кураш тўхтовсиз давом этиб туради. 1875 йили бу қаршилик ҳаракати қонга ботирилади, қурол ушлашга қодир аҳолининг кўпчилиги қириб ташланади. Бу китобда рўйи-рост ёзилганидек, Россиядан маънавий инқирозга учраган, ичкиликбоз, ишёқмас оилалар кўчиб келишганди, улар ўзлари билан бирга ўғирлик, фоҳишалик каби ифлос иллатларни олиб келганликлари, жаннатмакон ўлкани оёқ ости қилганликлари эндиликда ҳар томонлама асосланган ҳақиқатдир.

Чор Россиясининг вакиллари келганда бундай ишлар ривожланиб, ҳатто тоғ ён бағирларига ҳам обиҳаёт олиб чиқиш муаммолари ижобий ечилганлигининг гувоҳи бўлганлар. Дарҳақиқат, ўша пайтларда сувдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг ажойиб тартиби ишлаб чиқилган эди. Бу ишларни халқни ўзи бошқарар эди. Улар орасидан моҳир сув назоратчилари, ариқ оқсоқоллари, мироблар етишиб чиққан. Деҳқонлар ўз йиғилишларида мироблари сайлаб олишарди, улар деҳқонлар олдида ҳисоб берганлар. Истилочилар келиб бу тартибга катта зарба етказди, сув назорати ишлари давлат қўлига олинди. 1876 йилнинг июль ойида Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан «Ирригатор» лавозими жорий этилди. Бу лавозимга майор Ульянов тайинланганди. Унга 5000 сўм маош белгиланганди. У бутун Туркистондаги ирригация ишларига масъул эди. Жойларда кўплаб ходимлар бўлган. Бир дона сигир 10-18 сўм, бир дона қўй - 2,5-3 сўм, бир пуд ун 75 тийин ёки бир деҳқон кун бўйи қилган меҳнати учун 8-12 тийин ҳақ олган ҳолда Туркистон бош ирригаторининг 5000 сўм маош олиши фақат босқинчилик мантиқига тўғри келиши мумкин эди, холос.

«Фарғона водийси очерклари» китоби Туркистонда кенг тарқалган. «Деҳқонлар учун рисола»га ҳам эътибор қаратилган. Санкт-Петербургдан келган император мутахассислари учун мулла М.Юнусов бу китобчани рус тилига таржима қилиб берган. Рисолада таъкидланишича, худо ўз илтифотларини 10 қисмга бўлиб 9 қисмини деҳқончиликка, бир қисмини бошқа касбларга тортиқ қилган. Бу рисолада деҳқончилик ишларининг қоидалари батафсил баён этилган. Агар шу рисола топилиб, тўлиқ ҳолда чоп этилса, деҳқончилик ишларида қўл келиши шак-шубҳасиздир. А.Ф.Миддендорф ўз китобида антропология, этнография, халқлар этногези масалаларига ҳам катта эътибор берган. Аҳоли ҳаётида чойхоналар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, мачит-мадрасалар муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланган. Чунки кўплаб маданий-маърифий тадбирлар шу ерларда ўтказилган.

Рисола муаллифи ҳаётида биринчи бор кўришга муяссар бўлган ўлканинг иқтисодий, ижтимоий, тарихий, географик ҳолатини қисқа вақт ичида ўрганишга эришганлиги, кўплаб яхши расмий материаллар бериш билан бирга, анчагина воқеаларни, шахслар ҳаётини, жойлар номларини чалкаштириб нотўғри талқин қилганлигини ҳам қайд этиб ўтиш ўринлидир. Бундай хатоларни тузатмаслик Ўзбекистоннинг янги тарихи ёзилишига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Энг оғири, А.Ф.Миддендорф соҳибқирон Амир Темур шахсини сохталаштиришга уринганлигидир. Масалан, рисолада Амир Темур Фарғонада туғилган, татар деб кўрсатилади. Унинг шонли саркардалик фаолияти босқинчилик сифатида баҳоланади.

Гўёки Амир Темур Астрахан, Азовни босиб олиб савдо ишларига зарар келтирган эмиш. Муҳаммад Заҳириддин Бобурнинг исми бузилиб, рисолада Бабер деб берилади. Водийнинг ўша даврларда маълум бўлган кўп жойлари номи ҳам бузиб талқин этилган. Масалан, Заркент қишлоғи Саркенд деб, Исковот қишлоғи - Искобать, Подшо ота сойи - Почь-Ата, Саноғ тоғи - Чаночь, Унгар тоғи - Унгарь ва бошқалар. Бу каби бузилишлар, чалкашликлар рисолада кўп учрайди.

Умуман мустақил Ўзбекистон тарихи яратилаётган ҳозирги кунларда ҳар бир манбани синчиклаб ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Э. ХАЙИТБОЕВ,
тарих фанлари номзоди,
доцент.

Машриқзамин дарғалари

ЗАМОНА ҲОФИЗИ

Ҳирот илм-адаб аҳли орасида дув-дув гап: шоирлар орасида бир йигитча пайдо бўлибди, ҳофизаси кенг, ғазални даҳанака ижод этаркан, қироати басо мақбул эмиш. Амир Низомиддин Алишер Навоий кунлардан бир кун Соҳиб Дорога:

- Ўша бадеҳагўй йигитчани бизнинг навбатдаги шеърият мажлисимизга таклиф этсангиз, ўзининг хушилҳон хонишидан бизни ҳам баҳраманд этса,- деди.

- Хўп бўлади Амири Кабр,- таъзим қилди Соҳиб Доро.

Навоийнинг хос хонасига Ҳиротнинг энг сара шоирлари жамланган. Устод Абдураҳмон Жомийнинг фотиҳаси билан мушоира бошланди. Бирин кетин Риёзий, Аҳлий, Фазлий, Суҳайлий, Ҳотифийлар янги ғазалларини устодлар ҳузурида ўқидилар. Навбат янги меҳмонга етганда у таъзим билан ўрнидан турди-да, бир ғазал ўқиди. «Ҳам» радифли ғазал мақташда «Ҳилолий» тахаллуси қўлланилганди. Ушбу шеърни маҳлиё бўлиб тинглаб ўтирган Навоий шоир қўлидаги қоғозни олди-да:

- Бундай бокира ғазалга яримта тахаллус етарли эмас, у бугун бўлиши керак,- деб «Ҳилолий»нинг устидан хат чизиб «Бадрий» деб ёзиб қўйди.

Шундан сўнг бу шоир ўз ғазалларида «Ҳилолий» ёки «Бадриддин Ҳилолий» тахаллусини ишлатадиган бўлди.

«Замонасининг Ҳофизи Шерозийси» деб донг таратган, Жомий ва Навоийлек буюкларнинг нафаси теккан, уларнинг бевосита ҳомийлигидан баҳраманд бўлган Ҳилолий XУ асрнинг 70 йилларида Астрободда дунёга келади. Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» (Рўзат мажлислар) тазкирасида уни «туркийнажод» деб атайди. Бўлажак шоир ибтидоий таълимни ўз шаҳрида олгач, 1491 йили ўқишни давом эттириш мақсадида Ҳиротга келади ҳамда Навоий ва Жомийлар эҳтиромига мушарраф бўлади. Улар мадраса толиби Ҳилолийни ўз паноҳларига оладилар: маънавий ва моддий кўмакларини аямайдилар. Аслида заҳматкаш, илмга чанқоқ йигит ана шу мададкорлик туфайли тез орада «Шеъриятнинг барча жабҳаларида маҳорат пайдо қилди ва ўз замонасининг ягонасига айланди». (Фахрий Ҳиротий). Ҳилолийнинг фавқулодда қудрати, илм эгаллашдаги бетиним интилишлари, ижод заҳмати йўлидаги бардошли ҳақида ўша давр адабиётшуносларию тарихчиларидан Восифий, Соммирҳо ва Хондамирлар кўп илиқ фикрлар ёзиб қолдирган. Жумладан, Бобур Ҳилолийнинг қувваи ҳофизаси ҳақида фикр юритиб, «ўттиз-қирқ минг шеър биларди, Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»ларини ёддан ўқирди» дейди.

Ҳаёт саҳнасидан Жомию Навоийларнинг бирин-кетин ўтишлари, охирги темурий ҳукмрон Ҳусайн Бойқаро (1506)нинг вафоти гун-гул яшнаган Ҳирот, ундаги илм-адаб аҳли бошига кўп кулфатлар келтирди: шаҳар хонавайрон қилинди, кўркам бинолар, мадрасаю мактаблар, нигористону табобатхоналарнинг кули кўкка совурилди: кўп фозил кишилар нисбатан осойишта Ҳинду Арабга ҳижрат қилдилар: ўз юртида яшаб қолган адиблар сафавийлар, шайбонийлар ҳамда Убайдуллоҳон тарафдорлари томонидан таъқиб, қувғин қилинди, қатл этилди. Жумладан, Жалолиддин Огаҳий номли шоир Амир Ҳусайн Деҳлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига татаббу тарзида асар яратиб, бир неча байтида замонидаги зулм-зўрликни танқид қилади. Шу «гуноҳи учун» Ҳирот ҳокими Амирхон Фармонига кўра адибнинг тилини кесадилар: шеърларидаги кескин мулоҳазалари сабабли Аҳмад Табасийнинг ўнг қули ва тилини кесиб ташлайдилар.

Ана шундай қонли-ва мусибатли кунларда ҳам Ҳилолий Ҳиротни тарк этмайди. Шоирга ҳасад-гўйлик ва бахиллик назари билан қараб юрган Мавлоно Бакорий ва Мавлоно Шамсуддин Кахистонийлар Убайдуллоҳонга бу рубоийларни жўнатиб, фитна уюштирадилар. Натижада «Ягонаи давр ва нодираи-замон» Ҳилолий 1529 йилнинг октябрь ойида Ҳиротда қатл этилади.

Ҳилолий нозикбин шоир, эҳтиросли олим, забардаст достоннавис бўлган. Афсуски, унинг мукаммал ижодий мероси бизгача етиб келмаган. Саид Нафиси, Камол Айний, Аълохон Афсаҳзод сингари олимларнинг аниқлашларича, Ҳилолийнинг ҳозирча бир шеърлар девони, уч достони ҳамда қофия илмига оид бир рисоласи маълум. Шоир девони ғазал, қасида, рубоий, қитъа, чистон, соқийнома, мухаммас каби жанрлардаги асарлардан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, Ҳилолийнинг йигитлик йиллари Жомию Навоийдек буюк даҳолар қаноти остида кечди: бу зотлар улгач, хусусан, Ҳусайн Бойқародек илму урфон мадалкори вафотидан сўнг юз йилга яқин даврда гул-гул яшнаган маърифат нури сўна бошлади, бугун Хуросон айниқса, Ҳирот шаҳри ғоратчилар оёғи остида пайхон бўлди: барча ижод соҳиблари Шарқнинг турт томонига зада бўлган қушлардай тўзиб кетдилар, қолганлари эса қўрқуву даҳшат исканжасида яшашга маҳкум этилгандилар. Шунинг учун ҳам шоир девонини кузатар эканмиз, биз навқирон қалбнинг гўзаллигу шодликка интилишини, гул гаштию баҳор латофати, маҳбубанинг нозу истиғносию майнинг руҳафзо файзи тараннуми, васфига дучор бўламиз. Бундай кезларда шоир чинакам табиат шайдоси, гўзаллик мубталоси, чин севги фидоийси сифатида кўз олдимизда гавдаланади, ғазалларда биз гул, баҳор, бўстон, май, соғар каби тимсолларни кўп учратамиз:

Хез, то имруз ўз бо ҳам соғари саҳбо кашем,
Хешро доман кашон то домани саҳро кашем.

Боғу бўстон дилкаш асту кўху саҳро ҳам хуш аст,
Ҳар кучо гўйи бисоти айширо ончо кашем.

(Тур бугун биргаликда тонг майини сипқарайлик, бир-биримизнинг этагимизни тутиб, саҳро четига борайлик. Боғу-бўстон дилкашу саҳрою тоғлар дилрабо, қаерни истасанг, ўша ерда айшу роҳат қилайлик.)

Аммо Ҳилолий шеъриятидаги бундай ҳаётбахш, кўтаринки руҳни кўпинча замондан, нобоп маслакдошлардан, сарвардору давлатмандлардан шикоят, баъзан уларни рўй-рост танқид эгаллайди. Ғазалларидаги «ситамкаши даврон», «дилтанги фалак», «сар дар хоқ», «куйтаягам», жабрдидаи фалаки кажрафтор», «расвои олам» каби сўз ва ибораларда бевосита адибнинг ғам ҳасрати, доду фарёди ўз аксини топган. Хуллас, Ҳилолий лирикасида мавжуд ижтимоий тузум иллатларини фош этиш, адолатпарварлик, ижтимоий руҳ ҳийла кучли. Жуда кўп ғазалларида «кажрафтор фалак», «чархи кажрафтор», «бузилган замон» сўз ва ибораларини қуллаб, шеърнинг танқидий руҳини янада оширишга эришади. Бир байтида шоир менинг бу ноғлаю фиғоним ой юзли Жавридангина эмас, балки бу қулфатларни менинг бошимга тескари айланувчи чарх солди, дейди:

Ноғаи ман ин ҳама зон моҳи хушрафтор нест.
Ҳарчи бо ман кард даври чархи кажрафтор кард.

Баъзан бугун бир ғазал шикоят мативида, танқидий руҳда ёзилганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Ҳилолий ўз асрининг ғазал устаси бўлиш билан бирга маснавийда моҳир санъаткор ҳисобланади. Ундан бизга қадар «Сифатул ошиқин», «Шоҳу Дарвеш» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари сақланиб қолган. Ҳилолийнинг ҳар уч достони ахлоқий-таълимий, инсондўстлик, адолатпешалигу ишқ-муҳаббат тасвирига бағишланган. Чунончи, «Шоҳу Дарвеш»да тасвирланишича ҳаётдаги турли-туман тўсиқлар, рақибнинг фитнаси, айрим нобоп гуруҳларнинг бахилликлари ҳам мактабдаги ўқиш, меҳнат, ҳаётдаги зиддиятларни матонат билан енгиб ўтиш жараёнларида шаклланган Шоҳ ва Дарвеш ўртасидаги метиндек дўстликка раҳна сололмайди. У отасининг васияти ва дўстининг маслаҳатига кўра юртни ақл-заковат билан, адолат билан бошқаради, фуқаропарварлик йўлини тутади.

Низомийнинг «Махзан-ул-асрор», Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъ-ул-анвор», Жомийнинг «Туҳфат-ул-аҳрор» достонларига ўхшатма тарзида яратилган «Сифат ул-ошиқин» достонида Ҳилолий вафо ҳамда садоқат, ҳалолу поклик, илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, жавонмардлик, хайру саховат, ҳаё ва тавозу, тил ва сўзлашув одоби, ҳалимлик ва паришонсизлик, инсондўстлик сингари масалалар хусусида панд-насиҳат беради. Айни пайтда шоир 20 бобдан иборат бу маснавийда муаллиф зулм-зўрлик, жаҳолат ва разолатни, тамагирлику дилозорликни, бари-бошлик ичиқсизликни, танбаллику бепарволикни, судхўрлику ғаразгўйликни ғайринсоний ҳатти-ҳаракатлар сифатида қаттиқ қоралайди. Санъаткор ҳар бир мулоҳазасини турли масал ва ҳикоятлар билан, ўзи яшаётган турмушдан олинган бирон лавҳа орқали асослаб, тасдиқлаб боради.

Гарчи Ҳилолий «Лайли ва Мажнун» ни ёзишда устозлар анъанасидан бевосита файз топган бўлса ҳам, аммо воқеалар, тавсилоти, тимсоллар талқини, хусусан, бадиий тасвирда ўзига хос бир санъаткор эканлигини кўрсата олган. Чунончи, Лайли ва Мажнунлар ўқиётган мактаб, қабилаларо илм маскани сифатида тасвирланиб, унда юзга ўғил бола, юзга қиз бола биргаликда таълим оларди, Мажнуннинг отаси катта қабила бошлиғи, энг бадавлат кишилардан, деб тасвирланади. Ҳилолий назарида Лайли ҳийла дадил, ошиқ аҳволига куйинади, унинг дардига малҳам бўлишга интилади: ўзининг олийжаноб мақсадига эришиш йўлида ҳаракат қилади, ҳар қандай тўсиқларни ҳам енгиб ўтиш пайидан бўлади.

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ,
Филология фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКНИНГ ПОЛВОНЛАРИ

Мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида жойлашган Сурхондарё вилояти ўзининг табиати, азалий урф-одатлари, бошқаларга ўхшамас жиҳатлари билан киши диққатини тортади. Бу ерда миллий спорт турлари, айниқса, кураш ва кўпкари- улоқ кенг ривож топган. Таъбир жоиз бўлса, йигитларнинг зўри ана шу курашларда нафақат тобланади, балки сараланади ҳам. Боболари полвон, чавандоз ўтган элнинг фарзандлари ҳам бугунги кунда анъанага содиқ қолишмоқда. Тўйлар, катта маросимлар, кураш кўпкарисиз ўтмайди.

ТУРОН БОБО «ЙУЛБАРСЛАРИ»

Жарқўрғон туманидаги «Янгиусул» деган қишлоқда яшайдиган Турон полвон Эргашевни биласизми? Полвон шу кунларда етмишга етай деб турибди. Ана шу одамнинг асли келиб чиқиши Шеробод туманидан. Туқсон икки уйли қўнғиротнинг қораурсоқ деган шохидан. Қораурсоқнинг ҳам чувиллақ деган шохчасидан. Ва чувиллақнинг ҳам бек деган тудасидан. Гарчанд бек тудадан бўлса-да, ўтган авлодларидан бирон киши бекликларда хизмат қилмаган, баланд лавозимларда ишламаган. Лекин кураш майдонларида беклик-зўрлик қилгани рост гап.

Турон полвон қарийб ўттиз йил кураш тушди. Не-не ҳайбатли, қуввати зиёда бўлган полвонларнинг курагини ерга теккизди. Агар кураш майдонларидаги фаолиятини беш-ўн йилда тугатиб қўйган полвонлар билан таққослайдиган бўлсак, Турон полвоннинг роса ўттиз йил кураш тушиши катта қўрсаткичдир. Ўттиз йил билакларда кучни сақлаб туриш, ҳолатни йўқотмаслик осонми ахир!

Турон полвонга Худо беш ўғил ато этган. Катта ўғли Рузимурод спорт усталигига номзод, бир неча фурсат кураш ҳам тушди. Рузимуроднинг шамолдек тезкор иккита оти бор. Кўпкари чопади. Агар у кўпкарига тушса, армон йўқ- албатта, зот айиради.

Турон полвоннинг Рустам, Руслан, Янгибой, Яхшибой исмли ўғиллари ҳам навбати билан катта-кичик кураш майдонларига чиқиб, ларзон солаяптиларки, буни эл кўриб турибди.

Беш ўғилнинг иккинчиси Рустам полвон бамисоли «Рустами достон»га айланди.

...1970 йилда туғилган чақалоққа ота-онаси суюб-эркалаб Рустам деб исм қўйдилар. Бир куни келиб унинг катта майдонларда довруғ солишидан умидвор эдилар. Уни яхши тарбия қилдилар. Бўрбойлари қувватланиб, билакларига куч йиғила борди. Рустам кураш тушмоққа ўзида кучли рағбат-майл сеза бошлади. Отасидан оқ фотиҳа олиб, кураш тушмоққа жазм этди. Баъзи тўйларда беш-олти нафаргача полвонни йиқитган кунлари ҳам бўлди.

Отаси Рустамнинг кураш илмини чуқурроқ эгаллашини хоҳларди. Шу мақсадда уни Чирчиқ шаҳридаги «Олимпиада» спорт мактабига ўқишга юборди. 1986-1989 йиллар оралиғида Рустам Ўзбекистонда хизмат қурсатган тренер Юрий Ким деган кишидан кураш борасида сабоқ олди.

Рустам полвон Эргашев 1991 йилнинг январида собиқ СССР халқлари спартакиадасида қатнашиб, дзюдо кураши бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Ўша йилнинг декабрь ойида эса Италияда бўлиб ўтган халқаро турнирда қатнашди ва бу ғал ҳам учинчи ўрин унга тегди. 20 та мамлакатдан полвон иштирок этган бу турнирда Ўзбекистондан ёлғиз Рустам полвон қатнашди. Унга бир йўла «энг узоқдан келганлиги», учун ҳам кубок берилди.

1992 йилнинг февралида Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда қиррқа яқин мамлакатдан полвон борган эди. Ана шу турнир қатнашчилари уз сафларида Рустам полвонни ҳам кўришди. Бунда бизнинг полвонимиз дзюдо кураши бўйича бразилиялик, олмониялик, булғориялик полвонлар билан майдонга тушди ва учинчи ўринни олишга муяссар бўлди.

Худди шу йилнинг март ойида, яъни орадан бир ой ўтгач, Эронда бўлиб ўтган халқаро турнир Рустам полвон Эргашевнинг курашларга тўлиқ ҳаётида ўзига хос ва унутилмас саҳифа бўлди. У финалда 98 килограмм вазида бўлгани ҳолда 140 килолик Эрон полвони Ҳасан билан ўртага тушди. Ҳасан полвоннинг ёши сал ўтиб қолган бўлсада, йўлбарслек кучи экан. Ана шу зўр полвонга сурхондарёлик Рустам полвон қарши туролди. Наинки қарши туролди, балки уни икки дақиқадаёқ юлдуз санатди ҳам. Бунгача Ҳасан полвон икки нафар катта полвонни бостан олди.

1993 йили Канадада дзюдо кураши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Бунда Рустам полвон франциялик Дуэн полвон билан курашга тушиб.. ютқазди. Дуэн деганлари эса вазни қарийб бир ярим центнер келадиган маҳоботли, кучли полвон экан.

Ўша йилнинг октябрь ойида эса Японияннинг Хиросима шаҳрида XII Осиё ўйинлари ҳам полвоннинг ҳаётида ўзига хос из қолдирди. У беллашувлардан иккита ютуқ ва иккита мағлубият билан қайтди.

1995 йилнинг апрелида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича II халқаро турнирда мутлоқ ғолиб деб Рустам полвон Эргашев тан олинди ва у Президент совғаси - «ГАЗ-31» енгил автомашинаси билан уйига борди. У дунё кезади, лекин ўзига бино қўйган не полвонлар билан кураш тушади. У ғалабалардан кибрланиб кетмагани сингари мағлубиятлардан қаттиқ тушкунликка ҳам берилмайди.

Полвоннинг яна бир ютуғи, балки сифати - у эсини таниганидан бери тамаки теккан эмас, нос ҳам отган эмас. Унга ҳали болалик пайтидаёқ Турон полвон қаттиқ тайинлаб айтган эди: «Болам, қулоғингда тут: ичган, теккан одамдан яхши полвон чиқмайди...» Рустам полвон эса отасининг ўгитларига наинки қулоқ тутган, балки уларга қаттиқ амал қилган ўғил ҳам бўлди.

Турон полвон айтди:

- Иккинчи синфда ўқийдиган Яхшибой ўғлимдан умидларим катта. Кўз тегмасин, ишқилиб. Худо насиб этса, шу ўғлимдан катта полвон чиқса ажаб эмас.

Полвоннинг яна бир ўғли - Руслан айни пайтда Чирчиқдаги махсус спорт мактабида таълим олмоқда. Ўн беш ёшли ўғли бу полвоннинг кураш майдонларини қизитадиган, соврин олиб, ота-онаси, акаларини, боринғки, мухлисларини севинтирадиган шижоатли, ёруғ кунлари ҳали олдинда.

Хулоса қилиб айтганда, Полвон отанинг сулоаси Худо шоҳид бирин-кетин кураш майдонларига тушиб, ҳали кўп йиллар, узоқ маҳаллар юлибликка, ғалабага беклик қилажак.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗОВ
Суратда: Турон полвон Эргашев ўғиллари ва набираси Жаҳонгир билан.

Велосипедда 6 минг километр йўл босган сайёҳ

САЙЁҲ БИЛАН УЧРАШУВ

Тақдир тақозоси билан Пахтакорлик Шавкат Абзалов Россияда яшаб қолди ва сайёҳлик билан шуғуллана бошлади. У юрт кезишни асосан велосипед орқали амалга оширади. Ш. Абзалов шу йил 25 май куни Россия, Кавказ , Озарбайжон, Туркманистон, Узбекистон бўйлаб саёҳатга отланди. Унинг ҳамроҳи фақат велосипед эди. Сайёҳ режалаштирган йўналиш бўйлаб 6 минг километр йўл босиб Пахтакор туманига етиб келди.

Яқинда Пахтакор туман ҳокимлигида сайёҳ Шавкат Абзалов билан учрашув бўлди. У сайёҳлик майдонида олган таассуротларини қурган-кечирганларини ҳикоя қилиб берди. Ҳокимлик вакили сайёҳ Ш. Абзаловга Президентимиз И. А. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобини тақдим этди.

Алибой ЭРГАШЕВ
«Ишонч» мухбири.

ШАНБА ГУРУНГИ

КАМГАПЛИК СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Қўйди-чиқди муаммолари билан шуғулланувчи психологлар ўтказган сўровларидан кейин оила мустаҳкам бўлишининг бош омили ота-боболаримиз таъкидлаганларидек; «Бир гапдан қолиш — олтин» деган нақлга тан бермай илож йўқ.

Бир-бирлари билан узоқ яшаган эр-хотинлар камгап бўлишар, суткасига ярим соат атрофида сўзлашар эканлар.

Дўхтирларнинг фикрига қараганда, эр ё хотиннинг тез гапириши ҳам нерв системасининг жароҳатланишига олиб келар экан. Бақириб-чақириб гапирувчи одам ҳовуридан тушиши билан унинг юрак-қон системаси нормаллашиши, (артериаль босимининг пасайиши) юракнинг иши яхшиланишини аниқланган.

БИЛАСИЗМИ?

УЗУК ТАҚИШ ФОЙДАЛИМИ?

Аёл зоти борки, зебу-зийнатга, безакка ишқибоз. Фақат никоҳ узуги эмас, балки барча бармоқларига узук тақиш ҳам одат тусига айланиб бормоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон, дейишлари мумкин, баъзи аёллар.

Одам организмининг барча ерида бўлгани сингари бармоқларда ҳам сезувчи асаб нуқталари мавжуд. Бу нуқталарнинг баъзилари организмдаги у ёки бу ички органлар билан боғлиқ. Дўхтирларнинг аниқлашларича, никоҳ узуги тақадиган бармоққа узук тақилганда, мастопатия, эндокрин безлар, жинсий органлар касалланишига олиб келиши мумкин. Ўрта бармоқ — атеросклероз ва гипертония; кўрсаткич бармоқ — остохондроз ва радикулит; чинчалоқ бармоқ эса ўн икки бармоқли ичак паталогиясига дучор қилар экан.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар доим узук тақиб, бармоқларни безиллатиб қўйиш зарарли, бармоқлар ҳам дам олсин учун сира бўлмаса кечқурун ечиб ётган маъқул.

Булунғур туман нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасида меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш шу кун талаблари даражасига қўйилган. Корхонада техника хавфсизлиги ҳам намунали ташкил этилган.

Суратда: (чапдан) корхона ишчилари Қаҳрамон Бўрибоев ва Шароф Қовчиновлар иш юзасидан ўзаро маслаҳатлашмоқда. Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

Маданият хабарлари

«АНОР»га оқ йўл тилаб

Фарғона вилояти Қува тумани Марказий маданият уйи қошидаги «Анор» ашула ва рақс халқ дастаси 1965 йили ташкил этилган эди. Унумли меҳнати, сермазмун мусиқавий дастури учун унга 1968 йили Халқ дастаси фахрли унвони берилган. «Анор» самарали изланишлари туфайли 1972-73 йиллари «Чашма», «Марҳабо талантлар» телеконкурси ғолиби бўлган. 1975-77 йилларида собиқ Бутуниттифоқ фестивал лауреати, 1978 йили Голландия-Белгияда ўтказилган халқаро Фольклор фестивали «Олтин медал»и совриндори бўлган. Шу билан бирга Афғонистон, Туркия давлатларига ижодий сафарлар қилган. 1985 йили Москвада ўтказилган Жаҳон ешлари фестивалида юқори даражадаги узбек миллий санъатини намойиш этди.

«Анор» дастасидан Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров, Узекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, хизмат кўрсатган артистлар Нуриддин Ҳайдаров, Абдулҳай Каримов, Гулчеҳра Фозилжонова, Эркин Рузматов каби санъаткорлар етишиб чиққанлар. Даста ташкил топ'андан ҳозирги давргача унга Мухторжон Тешабоев раҳбарлик қилиб келмоқда.

«Анор» даста жамоаси типимсиз изланишда. Улар Ҳабиб Саъдулла шеърини, Маҳмуд Иномов мусиқаси билан «Узбекистон озод Ватан» қўшиғини ижро этишиб «Узбекистон Ватаним-маним» қўшиқлар кўрик-танловида Вилоят ғолиби бўлдилар. Дастанинг энг ёш қўшиқчиси Акбарали Холдоров ушбу беллашувда 2-ўринни эгаллади. Улар Қўшиқ байрамининг Республика босқичида қатнашиб, ўз санъатларини намойиш этдилар. Шу билан бирга Узбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ва Маданият ишлари вазирлигининг Араб республикасида ўтказиладиган фольклор фестивалида қатнашиш учун йўлланма асосида ижодий сафарга жунадилар.

«Анор» дастаси дастурида узбек миллий куй, рақс, қўшиқ, ялла, лапарлари билан бирга қардош халқлар куй ва қўшиқларига ҳам кенг ўрин берилган.

Садбархон ЖУРАЕВА

МУСОБАҚА

Яккабоғ туманида «Камолот сари» оммавий югуриш мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақани туман «Камолот» ёшлар жамғармаси, Агросаноат туман касаба уюшмаси, халқ таълими ва жисмоний тарбия ва спорт қумиталари ҳамкорликда ташкил этди. Мусабақада тумандаги ташкилотлар, маҳалла, ва хўжалик аъзолари иштирок этди. Улар Марказий чорраҳадан то А.Навоий кинотеатригача бўлган 3 кмлик масофани тезлик билан босиб утиш учун югуришди. Ўзбекистон жамоа хужалиги аъзоси Ш.Ибрагимов биринчи ўринни эгаллади.

«КАМОЛОТ АВТОСЕРВИС»
масъулияти чекланган жамият «ЎзДЭУ» автозаводининг расмий дилери
«НЕКСИЯ», «ТИКО», «ДАМАС»
автомобилларини завод баҳосида сотади.
Ҳужжатларни расмийлаштиришни ва олий даражада хизмат кўрсатишни кафолатлаймиз.
Автомашиналарни фақат биздан сотиб олсангиз, ўта мамнун бўласиз.
Ҳақ тўлаш турлича. Бизнинг автосалонимиз қуйидаги манзилда жойлашган:
Тошкент шаҳри, Саракуль кўчаси,
7-уй. Мўлжал: Темирйўл техникуми
Телефон: (3712) 91-61-50, Факс: (3712) 91-64-72.

"МЕРОС-САРМОЯ"
хусусийлаштириш инвестиция фонди
(Адлия вазирлигида 1996 йил 3 декабрда 858-сон билан рўйхатга олинган,1997 йил 3 февраль 502-сонли лицензия) ўз акцияларини сотиб олишни таклиф этади.Устав фонди миқдори 50000000 сўм.Ҳар бир акциянинг баҳоси 100 сўм. Ҳар бир акция 600 сўм актив билан таъминланган.
Фонд активларини бошқариш учун 120000 сўм устав фондига эга бўлган "МАҚСАД-ҲАМКОР" бошқарув компанияси тузилган.(19.02 - 97 йил 474-сонли лицензия) "МЕРОС-САРМОЯ" акциялари Халқ банки ва Турон банкининг барча шаҳобчаларида,фонд магазинида сотилмоқда. Акциялар шу йил 12 ноябргача сотилади.
Бойиш учун акцияларни сотиб олишга шошилинг.
ХИФ ва "Мақсад-Ҳамкор"бошқарув компанияси жойлашган манзил;
Тошкент шаҳри,Нукус кўчаси 73-а уй, "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси биноси,1-қават.
Телефон:(3712)55-52-98.

РАИС ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Наманган туманидаги ишлаб чиқаришнинг барча тармоғи тараққий этиб бораётган қишлоқ хўжалик уюшмаларидан саналади. Бу ерда бозор муносабатларига ўтиш босқичи юзага келтираётган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан экинлардан мўл ҳосил олиняпти, қишлоқлар ободонлашмоқда. Маданий ҳаёт тараққий этяпти. Яқинда жамоа хўжалиги маркази Шўрқўрғон қишлоғида собиқ раис хўжаликнинг бугунги камоли ва жамолига катта ҳисса қўшган Аҳмаджон Қорабоев хотирасига бағишланган волейбол бўйича вилоят турнири ўтказилди.

Зероки, Аҳмаджон ака эслашга арзийдиган, эл-юрт йўлидаги хизматлари унутилмайдиган инсонлардан бири эди. У урушдан кейинги оғир йилларда хўжаликка 15 йил раҳбарлик қилди. Уста деҳқонлиги, одамларга меҳрибонлиги билан яхши ном қолдирди. Қишлоқлар электрлаштирилди, замонавий ҳаммом қурилди. Ёзги кинотеатр, клуб ишга тушди. Маҳаллаларга радио-алоқа етиб келди. Бошқа кўплаб маданий-маиший бинолар қад кўтарди.

Ана шу халқпарвар раис хотирасига бағишланган турнирни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Исматов қисқача кириш сўзи билан очди. Собиқ раисни яхши билган тенгдошлари, дўстлари, бирга ишлаган кишилар у ҳақдаги хотираларини сўзлаб бердилар. Йиғилганлар олдига катта дастурхон тузалиб дошқозонда ош тортилди.

Шундан сўнг хотира турнири бошланди. Икки кун муттасил волейболчиларнинг қизғин беллашувлари билан ўтди. Беллашув якунига кўра қишлоқдаги 8-мактаб ёш спортчилари биринчи ўринни олишди. Тўрақўрғондан келган меҳмонлар иккинчи ўринни, тумандаги «Ўзбекистон» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти терма командаси учинчи ўринни, Наманган шаҳридан ташриф буюрган волейболчилар эса тўртинчи ўринни забт этишга муваффақ бўлдилар.

Ғолибларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон ва жаҳон

МАҚСАДИМИЗ: ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистонда Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди.

Япония делегацияси раҳбари Таро Асо ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Учрашув чоғида юртбошимиз икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларнинг самарали ривожланаётганини юқори баҳолади. Ўз навбатида, Таро Асо жаноблари Ўзбекистонда япон ишбилармонлари ва сармоядорлари учун кенг имкониятлар яратилаётганидан ўта мамнунлигини билдирди. Шунингдек, ташриф давомида япон делегацияси республикамиз Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашдилар. Таро Асо ва унинг ҳамроҳлари мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Марказий Банк раҳбариятлари билан учрашдилар. Молия вазирлигида республикамиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун уюштирилган қисқа матбуот анжуманида ўзбек-япон муносабатлари муваффақиятли равнақ топаётгани алоҳида таъкидланди. Жаноб Таро Асонинг айтишича:

— Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор беришимизнинг асосий боиси, шу йил 24 июнь куни Бош вазиримиз Рютаро Хасимото юртимиз ишбилармон доиралари вакиллари билан қилган учрашувида Япония айнан Марказий Осиё давлатлари билан кенг ҳамкорлик қилиши лозимлигини уқтирди. Биз Ўзбекистоннинг ушбу минтақада етакчи ўрин тутишини, давлатингиз имкониятлари чексизлигини яхши биламиз. Шу сабабдан ҳам сизлар билан ҳар томонлама ва энг аввало, савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Аминманки бизнинг кўпқиррали ҳамкорлигимиз янада самарали ривожланади, — деб айтди жаноб Таро Асо.

Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо бошчилигидаги делегация эртага (8 сентябрь) Бишкекка жўнаб кетади.

«МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ»

(8 — 12 сентябрь кунлари учун)

ДАЛВ (21.01-18.02) ойида туғилганлар келгуси ҳафтада кўпроқ оилада бўлишлари керак. Акс ҳолда баъзи бир нохушликлар содир бўлиши мумкин. Оилавий дам олишга бориш, фарзандлар тарбияси, ижодий иш билан шуғулланишлари зарур. Хизмат сафарига чиқиш, бошлиқлар қабулига киришдан сақланиб туриш лозим.

ҲУТ (19.02-20.03) ойида туғилганлар учун ҳафта сермаҳсул келиши кутилур. Хусусан, тижорат ва ишлаб чиқариш соҳаларида катта ютуқларга эришилади. Сафарга чиқиш, раҳбар қабулида бўлиш яхши натижалар беради. Хайрли ишлар билан кўпроқ шуғуллансалар омадларига яна омад қўшилажак.

ҲАМАЛ (21.03-20.04) ойида туғилганларга ҳафтанинг аввали нахс келиши кутилади. Шу боис бу пайтда иложи борича молиявий ишлар билан шуғулланмаган маъқул. Кўпроқ қилинган ишларни ҳисоб-китоби билан машғул бўлиш зарур. Оилага хиёнат қилмаслик керак. Ҳафта охирида баъзи бир ишлар билан шуғулланавериш мумкин.

САВР (21.04-21.05) ойида таваллуд топганларга ҳафта омадли келур. Айниқса, ҳафтанинг олдинги қисми қулай бўлиши эҳтимол этилур. Хусусан, молиявий ва шахсий бахт борасида катта ютуққа эришадилар. Кутилмаган қувончли учрашувлар юз бериши мумкин.

ЖАВЗО (22.05-21.06) ойида таваллуд топганларга ҳафта омадли келиши кутилур. Хусусан, савдо-сотиқ, муҳаббат, ижод, ишлаб чиқаришда омад ёр бўлади.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар учун ҳафта осойишта ва тинч ўтиши кутилур. Иншооллоҳ, деярли барча режалаштирилган ишлар яхшилик билан тугар. Ҳафта давомида тўй-ҳашамларни бемалол ўтказишлари мумкин.

АСАД (23.07-23.08) ойида туғилганлар учун ҳафта ортиқча ташвишсиз ўтиши кутилур. Ҳафта мобайнида кундалик иш билан шуғулланиш кўп мақсадли бўлур, ота-онани эслаш, зиёрат қилиш, кўнгилларини кўтариш, дуоларини олиш, қариндош-уруғлар билан борди-келдини давом эттириш мақсадли бўлур.

СУНБУЛА (24.08-23.09) ойи фарзандлари мазкур ҳафтада ҳар бир қадамни ўйлаб босишларини тавсия этамиз. Акс ҳолда турли нохушликлар содир бўлиши мумкин. Кўпроқ хайри-эҳсон қилиш, ўзининг ўтган ишларини ҳисоб-китоб қилиш кутилган натижа беради.

МЕЗОН (24.09-29.10) ойида туғилганлар учун бу ҳафта омадли келади. Хусусан, иш жойида қувончли воқеаларга дуч келишади.

АҚРАБ (24.10-22.11) ойида туғилганларга ҳафтанинг барча кунлари нахс келиши кутилади. Бу кунларда оиланинг молиявий аҳволи яхшиланади. Эр-хотин муносабатлар ҳийла таранглашиб, эҳтиётсизлик натижасида барбод бўлиши мумкин.

ҚАВС (23.11-21.12) ойида туғилганлар учун ҳафта тўла омадли келур. Молия соҳасида ютуқларга эришилади. Илмий ва ижодий ишлар яхши натижа беражак. Мазкур кунлари солиҳ кишилар билан суҳбатлашиш яхши натижа беражак.

ЖАДИЙ (22.12-20.01) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг биринчи ярми омадли, қолгани нахс келиши кутилур. Ҳафта бошида мўлжалдаги ишларни бажаришлари лозим.

Спорт

САМБО

Маълумингизким, олдин хабар берганимиздек, полвонларимиз Актюбинскда ўтказилган самбо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигига жўнаб кетган эдилар. 18 мамлакатдан 250 нафар спортчилар беллашган ушбу мусобақада республикамиз ёш самбочилари гиламга тушишиб, 2 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалларининг соҳиби бўлишди. Булар бухоролик Ботир Хужаев, термизлик Ботир Ҳасанов (олтин), самарқандлик Асқар Раҳимов, наманганлик Аюбхон Камолов, тошкентлик Дмитрий Каменский (кумуш), тошкентлик Хусниддин Ходиев, самарқандлик Бахтиёр Абдуллаев, Озод Илёсов (бронза)лардир..

Ўсмирлар беллашуви ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Юртдошларимиз кучлилар қаторидан жой олишни уддалашдилар. Жумладан, 52 кг вазнда Д.Орзиев ҳамда 65 кг вазнда А.Абриевлар кумуш, 42 кглик вазнда Р.Нарзуллаев, 75 кглик вазнда У.Ҳайитов, 83 кглик вазнда У.Жабборовларга эса бронза медаллар насиб қилди.

БОКС

Юртдошларимиз Малайзиянинг Каула-Лумпурда шаҳрида ўтказилган 19 Осиё чемпионатидан муваффақият билан қайтишди. Унда 12 та боксчимиздан 10 нафари ярим финалга чиқди. Шунга кўра учта олтин, тўртта кумуш ва уч бронза, жами 10 та медаллар шодасини қўлга киритишди. Булар шу боис барча Осиёдаги қитъадошларни таслим этиб, якка пешқадам деб тан олинди.

Беллашувларда айниқса, Андижон бокс мактаби вакиллари иштироки юқори натижаларга эришишга омил бўлди. Улар Тўлқин Турғунов 57 вазнда, 62 кг вазнда Муҳаммадқодир Абдуллаев, 81 кг вазнда Сергей Михайловлар чиройли ғалабалар эвазига юқори шоҳсупага кўтарилдилар. 51 кг вазнда Алишер Раҳимов, 67 кглик Наримон Отаев, 71 кг вазнда Икром Бердиев ҳамда 75 кглик севимли боксчимиз Дилшод Ёрбековлар ҳал қилувчи учрашувда имкониятни бой бериб, кумуш медал соҳиби бўлишди. Тошкент вилояти вакили 63,5 кг вазнда рингга чиққан Фарҳод Бакиров ҳамда оғир вазн тоифасида 91 кг вазнда жиззахлик Лазиз Зокиров ҳамда хоразмлик Темур Иброҳимовлар учинчи ўринни ишғол этишди. Фарғоналик Дилшод Йўлдошев ҳамда андижонлик Темур Тўлагановлар бешинчи ўрин билан кифояланишди.

"ЎЗЭЛЕКТРОКАБЕЛСАВДО"

ҳиссадорлик жамияти Тошкентдаги омборлардан қуйидаги молларни сотади:

1. Кенг ассортиментдаги кабель-ўтказгич маҳсулотларини;
2. Кучли ток трансформаторлари ва подстанцияларни;
3. Электр пайвандлаш асбоб ускуналарини;
4. Турли модификациядаги электр двигателларини;
5. Маъмурий-маиший ва ишлаб чиқариш биноларини еритувчи арматураларни;
6. Тубандаги қувватли электр лампочкаларни; ЛБ-20,30, 40; ДРЛ-125,250,400,700,1000,КГ-1000;
7. 6 СТ-55,60,75,135,150,190 русумли автомобиль аккумляторларини (улар Болгария, Россия, Қозоғистон,Корея ва Туркияда ишлаб чиқарилган). Ишқорли ТНЖ—525, 600;
8. ДЭУ видеомагнитафон-ларини;

9. ДЭУ телевизорларини;
10. Электр вентиляторларни;
11. Электр чойнакларни;
12. Қандилларни;
13. Пахтали курткаларни;
14. Оқ бўёқни;
15. Бир фазали электр ҳисоблагичларни;
16. 10 дан то 1000 ампер-гача қувватли автоматларни;
17. 1 дан У1 ўлчамгача бўлган пускателларни;
18. Контакторларни.

Ҳиссадорлик жамияти,шунингдек,темир йўл шохобчаси киритилган ҳамда юк ортиш ва тушириш механизмлари бўлган омборхоналарни ижарага беради.

Ҳақ тўлаш пул ўтказиш йўли билан.
Мурожаат учун телефонлар: (3712) 98-68-48,92-32-49, 92-32-16, 90-66-94,90-73-87,факс (3712) 90-73-84.
Манзил:Тошкент-94,Мўйнок кўчаси,135-уй

ДУШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.45 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.10 «Мусиқий саёҳат».
9.30 «Ер бағридаги аланга». «Ўзкинохроника» премьераси.
9.40 «Бармоқлар сеҳри».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.25 «Солиқ ва назорат».
10.55 Ўзтелерадиокомпанияси F.Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти.
11.20—14.00 «Дунё». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бир хўтик бўлган экан». Мультфильм.
18.20 «Чамандаги гулларимиз». Болалар учун концерт.
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Тилга эътибор».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қонун ва биз».
21.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
22.15 «Ер ва диёр тароналари».
22.50 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Сени излаб». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.45 «Сув ости дунёси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик
22.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.15—23.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
Россия жамоат телевидениеси. 17.20—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Хайр, Рио». Бадиий фильм (Болгария).
*
Россия давлат телевидениеси. 22.10—22.35
*
22.35 «Кругозор». Тележурнал.
23.05 «Нур соҳиблари». «Ўзбектелефильм» премьераси.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель.
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид».
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Фариштам».
20.55 «Ракурс».
21.25 «Спорт-тайм».
22.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.45 «Гўзаллик ва мангулик».
23.05—23.15 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
* * *
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
8.55 «Ер ва диёр тароналари».
9.30 Биржа ва банк хабарлари.
9.45 «Ғазалхон ёшлигим».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.
*
12.00 «Муҳаббатим — қалб ардоғим». Лирик концерт.
12.20 «Қонун ва биз».
12.55 «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
14.05—14.30 «Оқибат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Мозаика». Мультфильм.
18.20 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Акция ва акциядор».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.50 «Гўзаллик куйчиси». Ўзбекистон халқ артисти Монас Левиев.
22.20 «Вазият».
22.35 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнирининг очилиш маросими ва саралаш учрашувларидан репортаж.
23.15 «Бухоро олтинлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.40 «Ахборот».
00.05 Эстрада концерти.
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти». Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 Кинонигоҳ. «Инспектор «Морс». 6-серия.
23.15 Кундалик.
23.25 «Авлодимиз».
23.35 «Акс».
23.55—00.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00
*
17.20—20.35
*
20.35 «Теннис-клуб».
21.05 «Жазда фақат қизлар». Бадиий фильм. (АҚШ).
*
Россия давлат телевидениеси. 22.40—23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультькарусель».
19.05, 21.55 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.25 «Уйингоҳ».
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 «Америкага назар».
22.00 Кинематограф. «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Эстрада концерти.
8.45 «Соғлом авлод, соғлом миллат».
9.10 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
9.20 «Даҳолар топинган буюк Ҳақиқат». 1-қисм.
9.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Математика.
*
12.00 «Ҳамкорлик риштлари».
12.25 «Гўзаллик куйчиси». Ўзбекистон халқ артисти Монас Левиев.
12.55 «Сайқал». Тележурнал.
14.05—15.20 Болалар учун фильм. «Рикки-Тикки-Тави».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари».
18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.45 «Ҳидоят сари».
19.05 Жамоат ташкилотлари: «Маслак ва мақсад».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Исмлар тарихи».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.50 Ўзбекистон халқ хофизи Эсон Лутфуллаев куйлайди.
22.20 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.00 «Куйла, ёшлигим».
23.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Беллашувлар, натижалар.
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чор Бакр».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 Классик куйлар кечаси.
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Шимпанзе суперагенти».

Телесериал.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00
*
17.20—20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
21.05 «Елғиз эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.35—23.00
*
23.00 Эълонлар.
23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00, 19.55 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнес-мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Нафосат гулшани».
21.00 «Мезон».
21.30 «Автосалтанат».
21.55 «Парвоз».
22.05 «Кинематограф». «Улкан муваффақият». Телесериал.
22.50 «Бу ажиб дунё».
23.05—23.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ўзбекистон халқ хофизи Эсон Лутфуллаев куйлайди.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Даҳолар топинган буюк Ҳақиқат». 2-қисм.
9.35 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Ботаника.
11.00 «Бола дунёни тебратар».
11.30 Умумий биология.
*
12.00 Дутор ва танбур тароналари.
12.20 «Янги аср бўсағасида».
12.40 С.Сиеев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм.
14.05—14.25 «Халқ ижодиёти».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ов». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Телеодам.»
18.50 «Ўзбекистон фани». «Ўзкинохроника» премьераси.
19.00 «Авлод».
19.20, 20.25, 20.55, 23.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
21.20 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
21.50 «Ўзбекистон бастакорлари». Алишер Расулов.
22.25 Газета саҳифаларида.
22.40 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.10 «Ором онлари». Янгийўл тумани меҳнаткашлари хузурида. Мусиқий учрашув.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама.
9.20 «Нафосат».
9.30 «Турфа олам».
9.55 «Мусиқа салтанати».
10.25 «Даллас». Телесериал.
11.15 «Жараён».
11.25—13.00 Видео-«О».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Муносабат».
21.35 «Одобнома».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кино жавонидан». «Афоня». Кинокомедия.
23.20—23.30 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00
***
17.20—22.15
22.15 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.45—23.10
23.10 Эълонлар.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Айчурек».
20.15 «02» тўлқинида.
20.30 «Компьютер-ревью».
20.45 «Америка президентлари».
21.15 «Интерспорт».
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.00 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.45 «Каталог».
22.55—23.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Алишер Расулов.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 II Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
9.40 «Дунё адабиёти». Жалолиддин Румий.
10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Истак бору имкониятчи?».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Немис тили.
11.30 География.
*
12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.25 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
14.05—14.45 «Ором онлари». Янгийўл тумани меҳнаткашлари хузурида. Мусиқий учрашув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Баҳодирлар бўтқаси». Мультфильм.
18.20 «Болаларга бахшида умр».
18.40 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Қалб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 00.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
22.00 «Қўшиқ қадри». Мусиқий кўрсатув.
22.30 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
23.00 Бухоро—2500. «Варахша».
«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури.
23.20 «Одам».
23.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Сир».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Муносабат».
11.10 «Одобнома».
11.20—12.45 «Кино жавонидан». «Афоня». Кинокомедия.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.10 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.20 «Нозик муъжиза».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Эртага — шанба».
20.05 «Жарангдор соз».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Йирик планда».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Кинонигоҳ.
23.15 «Дераза».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 6.30—8.00
***
17.20—22.30
22.30 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси. 22.35—23.00
*
23.00 «Теннис-клуб».
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00, 20.40 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Маънавият ва Ислом».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.45 «Шарқ тароналари».
21.15 «Монитор-Азия».
21.40 «Ширу шакар».
22.10 «Инспектор Ракка». Телесериал.
22.55 «Йўллар ортидаги йиллар».
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Қўшиқ қадри». Мусиқий кўрсатув.
8.55 «Шоҳрух» клуби.
9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.05 «Орзулар қанотида».
10.25 «Умр йўллари».
10.45 «Идрок».
11.05 «Маҳмадона». Мультфильм.
11.15 Каратэ. Жаҳон чемпионати.
11.45 Хива—2500. «Тарихингдур бир жаҳон».
12.10 Болалар учун фильм. «Мио, болагинам Мио».
13.45—14.45 «Маънавият».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Оила».
18.40 Шарқ тароналари.
19.00 «Хайрат».
19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 Жаҳон спорти.
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 «Буюк Амир Темур». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
22.00 Марказий Осиё: тинчлик ва барқарорлик сари.
22.20 «Довон ошаётганлар». Камчиқ йўл қурувчилари хузурида. Мусиқий учрашув.
22.50 Газета саҳифаларида.
23.05 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
23.45 «Куй ва тасвир».
24.00 «Сиз ёлғиз эмассиз». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.50 «Бизнес ҳафта якунлари».
10.00 «Нозик муъжиза».
10.05 «Жарангдор соз».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Йирик планда».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25—12.40 «Дераза».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.
18.20 Боланинг тили.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 Киноконцерт.
19.10 «Таянч».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дилором наволар».
20.10 «Дармон».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Кинотақвим».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Қўшиқлар жилоси».
22.40 «Интер-футбол».
23.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.45—00.55 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси. 18.05—22.30
*
22.30 Эълонлар.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
23.05—23.30 «Бухоро—2500». «Шарқ ёдгорликлари». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Рақслар қанотида».
11.50 «Ухлаётган итни уйғотманг». Бадиий фильм (Мосфильм).
12.55 «Биргаликда кулайлик».
13.40—14.00 «Корейс тилини ўрганамиз».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00, 20.25 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Спектаклдан сўнг».
20.35 «Чинсэн».
20.55 «Эсдалик учун дастхат».
21.30 «Ассалом, Франция!».
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.15 «Хит-коллекция».
22.35 «Самодаги олмослар». Телесериал.
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Мусобақалар, секундлар, очколар».
11.15 «Довон ошаётганлар». Камчиқ йўл қурувчилари хузурида. Мусиқий учрашув.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Менга сўз беринг».
12.55 «Малла соч малика». Бадиий фильм.
14.15 «Сеҳрли дунё».
14.35—15.35 «Нурли келажак».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Омад юлдузи».
18.30 «Кўнгил ойнаси».
18.45 «Футбол майдонларида».
19.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 00.45 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Қишлоқ ҳаёти».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
Спорт дастури:
21.35 Теннис. Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги Халқаро турнири. Финал учрашуви.
22.25 II Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.55 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.15 Кино янгиликлари.
23.25 «Абадият сари йўл». Бадиий фильм.
00.50 «Ҳафтанома».
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 Киноконцерт.
9.50 «Таянч».
10.05 «Дилором наволар».
10.20 «Дармон».
10.35 «Ханда дўкони».
10.55 «Кинотақвим».
11.10 «Даллас». Телесериал.
12.00 «Интер-футбол».
12.20—14.00 «Видео—«О».
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
18.20 Мультипанорама.
18.40 «Ҳайвонот дунёси».
19.00 «Туҳфа».
19.10 Келгуси ҳафтада.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.30 «Ҳафтанома».
21.05 «Соғинч».
21.30 «Даллас». Телесериал.
22.20 «Миллионлар уйини».
22.50 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар».
23.00 «Видео—«О».
00.35—00.45 «Даракчи».

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
Россия жамоат телевидениеси. 17.30—20.50
*
20.50 Эълонлар.
20.55 «Имконият чўққиси». Бадиий фильм (Англия).
22.30 «Ислоҳотлар чорраҳасида». Телефильм.
23.00—23.25 «Панорама» (рус тилида)

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
11.45 Эълонлар.
11.50 «Киносалон». «Хавфли ўйин».
13.30 «Нима яхши-ю, нима ёмон».
14.00 «Жонли сайёра».
14.20 «Карталик уй». Бадиий фильм.
16.10 «Шу куннинг мавзуси».
16.25 «English for children».
16.45 «Сенинг вақтинг». Болалар учун инглиз тили.
17.00 Мультэкран.
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мультькарусель».
19.00, 21.30 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Мусиқий олимп».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Тошкент оқшомида».
20.30 «Иштирок этувчилар».
21.00 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.35 «Киносалон». «Ёмонлик».
23.15—23.25 «Хайрли тун!»

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУАССИС — ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА,Х.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ